БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 178 (7625)
1 АВГУСТ СЕШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш блан бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик ишига, Ватанимизга, большевиклар партияси, Совет ҳукуматига ва улуғ доҳи ўртоқ Сталинга садоқатларини намойиш қилмоқдалар.

Халқларнинг тинчлик йўлидаги енгилмас ҳаракати

Ер юзидаги барча мамлакат халқларининг тинчлик йўлидаги ҳаракати кучайиб, кун сайин кенгайиб бормоқда. 250 миллиондан ортиқ киши Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш ва агрессия ҳамда одамларни кўплаб қириш қуроли бўлган атом қуролини биринчи бўлиб ишлатган ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб э'лон қилиш ҳақидаги Мурожаатига қўл қўйди. Бирқанча мамлакатларда катта ёшдаги аҳолининг қарийб ҳаммаси Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди.

Совет Иттифоқида Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаш кампанияси ғоят муваффақиятли ўтмоқда. Совет халқи Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг чақириғини якдиллик блан қувватлади ва бу блан барча мамлакатлардаги миллионларча кишиларни тинчлик учун фидокорона курашга илҳомлантирди. Тинчлик учун курашучилар совет халқининг тинчликка бўлган иродасидан илҳомланиб, тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган ва ўз сафларини маҳкам жиплаштирадиган бўлсалар, урушнинг қора кучларини жиловлай олишларига қат'ий ишонч ҳосил қиладилар.

Атом қуролини тақиқлаш йўлидаги ҳаракат ер юзининг энг узоқ бурчакларигача ёйилмоқда. Кейинги ҳафталарда Индонезиянинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида, Цейлонда тинчликни ҳимоя қилиш ҳаракати муваффақият блан кучайиб бормоқда. Кипрда тинчлик тарафдорларининг конференцияси бўлиб ўтди. Жанубий Америка мамлакатларида ма'мурларнинг қарши ҳаракат қилишларига қарамай, Мурожаатга қўл қўючилар кўпаймоқда. Масалан, Бразилияда тўрт миллионга яқин киши Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди. Тито қўл остидаги фашистлар тўдасининг қаттиқ террорига қарамай, Югославия меҳнаткашлари ўлимдан ҳам қўрқмай, Стокгольм Мурожаатига қўл қўймоқдалар. Америка империалистлари томонидан фашист зиндонига айлантирилган Грецияда тинчлик учун курашучилар ҳукуматнинг жосусларидан яшириниб, атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги чақириққа имзо тўпламоқдалар.

Тинчлик тарафдорлари америка империалистларининг Қуриядаги ҳарбий интервенциясига жавобан ўз сафларини янада маҳкам жиплаштирмоқдалар, тинчлик йўлидаги ҳаракатнинг оммавий таянчини янада кенгайтирмоқдалар, уюшқоқлик блан ҳаракат қилмоқдалар. Барча мамлакат ва қит'аларда сулҳпарвар халқларнинг: «Қуриядан қўлингни торт!» деган қат'ий талаби жаранглаб эшитилмоқда. Жаҳон касаба союзлари уюшмасининг чақириғига мувофиқ, қурия халқи блан актив ҳамкорлик юзасидан ўтказилган ҳафталик тинчлик кучлари ўсиб бораётганини, барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг интернационал алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлигини яққол кўрсатган янги намойиш бўлди.

Кейинги вақтларда америкали агрессорлар Қурияда босмачилик урушини бошлаган чоқда Стокгольм Мурожаатига қўл қўючилар сони жуда тез ортиб бормоқдаки, буни тасодифий бир ҳол деб бўлмайди. Тинчлик тарафдорлари ҳаракати шу вақтгача анча заиф бўлган мамлакатларда ҳам Мурожаатга қўл қўючилар кўпаймоқда. Америка Қўшма Штатларидаги қирқ штатда бир миллиондан ортиқ киши Мурожаатга қўл қўйди, булардан тўртюз мингдан ортиқ киши Американинг Қуриядаги ҳарбий интервенцияси бошлангандан кейин Мурожаатга қўл қўйди. Англияда июнь ва июль ойлари ичида бир миллиондан ортиқ киши Мурожаатга қўл қўйди. Бу вақт ичида мамлакатда тинчликни ҳимоя қилучи юздан ортиқ янги комитет ташкил этилди.

Тинчлик тарафдорларининг ўсиб, мустаҳкамланиб бораётган ҳаракати уруш оловини ёқучиларнинг қароргоҳида тобора ваҳима ва ғазаб туғдирмоқда. Империалистлар ва уларнинг малайлари тинчлик учун курашучиларни қамоққа олиш, қўрқитиш ва иғво йўли блан чўчитмоқчи бўладилар. Америка конгрессининг «Америкага қарши ишларни» текширучи фашист комиссияси Стокгольм Мурожаатига қўл қўючи кишиларнинг ҳаммасини та'қиб этиш блан таҳдид қилмоқда. Америкали хўжайинларига хушомад қилаётган Италия реакцияси яқинда тинчлик тарафдорлари ҳаракатига қарши пропаганда мақсадида «юриш» э'лон қилди; ма'мурлар имзо тўплашни тақиқлаш тўғрисида фармойиш чиқардилар. Берлиннинг ғарбий секторидаги полиция 18 июльнинг ўзидагина Стокгольм Мурожаатига имзо тўплаган бир минг уч юз дан ортиқ активни қамоққа олди.

Аммо, ҳар қандай та'қиблар ҳам, ҳарқандай дўқлар ҳам уруш оловини ёқучиларга қарши тинчлик учун курашга отланган халқларни чўчитолмайди. Тинчлик тарафдорлари ҳаракати кун сайин янги муваффақиятларга эришмоқда. Ирмоқлардан кучли бир дар'ё пайдо бўлганидек, Стокгольм Мурожаатига қўл қўючи юз миллионларча кишиларнинг иродаси ҳам енгилмас бир кучни вужудга келтирадики, бу куч уруш оловини ёқучи империалистларнинг жиноий планларини амалга оширишларига йўл қўймайди.

Тинчлик тарафдорлари ҳаракати шубҳасиз муваффақият қозонди. Аммо тинчлик учун курашучилар ҳали ишнинг ҳаммаси бажарилиб бўлмаганлигини яхши биладилар. Тинчлик йўлидаги умумхалқ ҳаракатининг кучи даставвал, бу ҳаракатнинг оммавий тус олишидадир. **Шу сабабдан, ҳозирги вақтда тинчлик тарафдорларининг ўз олдиларига қўядиган асосий вазифалари — тинчлик йўлидаги ҳаракатнинг оммавий таянчини ҳартарафлама кенгайтиришдир.** Барча мамлакатлардаги оддий кишилар сулҳпарвар халқларнинг бирлик фронти йўли блангина, яхши ниятли кишиларнинг ҳаммасини, уларнинг сиёсий ва диний қарашлари қандай бўлишидан қат'ий назар, тинчлик байроғи остида жиплаштириш йўли блангина империалист агрессорларнинг жиноий ниятларини барбод этишига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Тинчлик фронтининг резервлари битмас-туганмасдир. Янгидан миллионларча кишиларни тинчлик йўлида актив курашга жалб этиш учун аҳолининг ҳамма табақалари ўртасида тушунтириш ишларини янада кенгайтириш керак. Деҳқонлар оммаси ўртасида ва шаҳар аҳолисининг ўрта табақалари орасида тушунтириш ишларини кучайтиришга алоҳида э'тибор қилиш керак. Бирқанча мамлакатларда аҳолининг бу табақалари тинчлик йўлидаги курашга ҳали етарли даражада жалб этилган эмас. Барча мамлакатларда маданий ташкилотлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, спорт ва бошқа ҳархил ташкилотлар бор. Бу ташкилотларнинг а'золари тинчлик учун кураш платформасида турадилар. Бундай ташкилотларда тушунтириш ишлари олиб борилган жойларда Стокгольм Мурожаатига яна неча миллионлаб киши қўл қўяди.

Тинчлик тарафдорлари уруш оловини ёқучиларнинг ниқобли шерикларини, «бетарафлик» ниқоби остида атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатга қўл қўйишдан бош тортаётган ижтимоий-сиёсий арбобларни ҳам кескин суратда фош қилишлари лозим. Тинчлик тарафдорлари ана шундай арбоблардан Стокгольм Мурожаатига нима учун қўл қўймаётганликларини ҳаммага айтиб беришни талаб этишлари блан уруш оловини ёқучиларнинг шериклари юзидаги ниқобни йиртиб ташлайдилар.

Тинчлик учун курашучилар тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатнинг оммавий таянчини янада кенгайтириш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Юз миллионларча кишиларнинг Стокгольм Мурожаатига қўл қўйганлиги халқ оммасининг сиёсий онги анча ўсганлигини исбот этади, кенг омма янги уруш хавфини ва тинчлик учун актив кураш олиб бориш зарурлигини тушуниб олганлигини кўрсатади. Эндиги вазифа — америкали-англияли уруш оловини ёқучилар сулҳпарвар халқларни ғоят катта хавф остида қолдираётганлигини оммага зўр ғайрат блан тушунтириш, тинчликни сақлаб қолиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборат.

Тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг оммавий базасини ҳартарафлама кенгайтириш, атом қуролини тақиқлаш йўлидаги курашга янгидан неча миллионлаб яхши ниятли кишиларни ва биринчи галда ишчилар синфи, деҳқонлар, шаҳар аҳолисининг ўрта табақалари орасидан чиққан кишиларни, шунингдек ижтимоий ва маданий арбобларни жалб этиш, уруш оловини ёқучиларни шафқатсиз фош қилиш — тинчлик учун курашни кучайтириш йўлидир.

Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси, совет социалистик давлатнинг ташкилотчиси В. И. Ленин империалистларнинг босқинчилик урушига қарши курашда «жонни фидо қилса бўлади, бу курашда шафқатсиз бўлиш керак...» деб ёзган эди.

Эндиликда барча мамлакатлардаги юз миллионларча оддий кишилар тинчлик учун кураш байроғи остига тўпландилар. Тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталин ер юзидаги барча меҳнаткашларнинг қалбида тинчлик учун, халқлар ўртасидаги дўстлик учун курашдан иборат адолатли ишга бўлган қат'ий ишончни янада кучайтириб юборди.

(«ПРАВДА»нинг 31 июльдаги бошмақоласи).

ТЕРМИЗ, ЖАРҚЎРҒОН, КАГАНОВИЧ, КИТОБ, МИРОҚИ, ШАҲРИСАБЗ РАЙОНЛАРИ ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Сурхондар'ё область Термиз, Жарқўрғон районлари, Фарғона область Каганович райони, Қашқадар'ё область Китоб, Мироқи, Шаҳрисабз районларининг колхозлари ва колхозчилари давлатга ғалла топшириш мажбуриятларини (шолидан ташқари) муддатидан олдин бажардилар.

Колхознинг бешйиллик плани

Тошкент область, Қорасув район, Қўйлиқ қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз а'золарининг умумий мажлиси колхоз қишлоғини обод қилиш бешйиллик планини тасдиқлади ва 1950 йил учун зарур миқдорда маблағ ажратди.

Бешйиллик планга кўра, 1950 йилда гараж, туғруқхона, ёзлик клуб, ясли, ғалла омбори ва колхозчилар учун 20 та янги уй-жой қурилади.

Сўнгги икки йил ичида янги типдаги уйлари бўлган колхоз посёлкаси ташкил этилади ва кенг кўчаларнинг икки четига дарахтлар ўтказилади.

Бундан ташқари, 1954—1955 йилларда маданият саройи, янги радиоузел, касалхона, ҳаммом бинолари қурилади ва колхоз электр станциясининг қуввати 100 киловаттга етказилади. Бунинг натижасида, дала ва чорвачилик ишлари механизациялаштирилади.

Колхоз қишлоғини обод қилиш бешйиллик плани бўйича бу йил қилинадиган ишлар амалга оширилабошланди.

Совет Иттифоқи темирйўлчиларининг

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси

Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

Мактуби

Қадрдон Иосиф Виссарионович!

Биз учун қувончли бўлган байрам кунида — Бутун Иттифоқ темир йўл транспорти кунида бизнинг бутун фикрзикримиз сиз жонажон отамиз ва устозимизга қаратилган. Биз Совет мамлакати халқларининг бахт ва қувончи учун, севикли Ватанимизнинг бахт-саодати учун Сизга чин қалбимиздан узоқ йиллар умр, сиҳат-саломатлик ва бардамлик тилаймиз.

Биз ўз байрамимизни қувонч блан темирйўлчиларнинг сталинча куни деб атаймиз. Совет халқи бу йилги байрамни коммунизм қуриш юзасидан Сиз чизиб берган буюк режаларни муваффакият блан амалга ошираётган бир вазиятда кутиб олмоқда.

Қадрдон Иосиф Виссарионович, Сиз бундан ўнбеш йил муқаддам, 1935 йил 30 июльда темирйўлчиларни қабул қилиш маросимида сўзлаган тарихий нутқингизда қудратли Совет Иттифоқимиз каби буюк давлатнинг яшаши ва тараққиёти учун темир йўл транспортининг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатдингиз.

СССРда темир йўл транспортининг давлат нуқтаий назаридан буюк аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги, транспортда ишлаш буюк шарафли иш эканлиги ҳақидаги, транспорт конвейерининг ҳамма қисмлари, ҳамма винтикларининг пухта ва эпчил ишлаши ва интизомнинг ҳал этучи куч эканлиги тўғрисидаги доҳиёна та'лимотингиз совет темирйўлчиларини транспортни ривожлантириш учун курашга илҳомлантирди. Сиз меҳнатимизнинг қадрини оширдингиз ва энг катта раҳбарлардан тортиб, энг «кичик» ходимларгача ҳарбир темирйўлчини оталик меҳри блан тарбияладингиз.

Биз Сизнинг ташкилотчилик ролингизни, транспорт тўғрисида, унинг кишилари тўғрисида оталарча қилаётган ғамхўрлигингизни доим сезиб турибмиз. Бу эса биз, темирйўлчиларни фидокорона ишлашга илҳомлантиради.

Темир йўл транспорти урушда вайрон қилинган хўжаликни урушдан кейинги сталинча бешйиллик даврида тиклаб, темир йўл шохобчаларининг бирқанча энг муҳим йўлларида поездларнинг қатнов тезлигини оширди. Бизнинг социалистик саноатимиз темир йўлларни кучли паровозлар, кўп юк ортиладиган вагонлар блан та'минлади. Бирқанча йўлларда тепловоз ва электровозлар қатнамоқда, автоблокировка, автостоп кенг жорий қилинмоқда, юк ортиш, юк бўшатиш ишларида ва темир йўл қурилишида оғир ишлар машиналаштирилмоқда.

Темир йўл транспортининг ходимлари Сиз туғилган куннинг — барча совет кишилари учун азиз бўлган ана шу тарихий куннинг 70 йиллиги шарафига ўтказилган умумхалқ мусобақасида ғоят баланд руҳ блан қатнашдилар.

Қадрдон ўртоқ Сталин, Сизга бўлган чексиз муҳаббат ва садоқатимизни ана шу мусобақада меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришиш, юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш блан нишонладик.

Қадрдон ўртоқ Сталин, 1949 йилда темир йўл транспортида 1948 йилдагига нисбатан 17 процент ортиқ юк ташилганлигини ва урушдан аввалги миқдорга нисбатан анча кўп юк ташилганлигини Сизга хурсандчилик блан малум қиламиз. Темирйўлчилар меҳнат унумини ошириш юзасидан берилган топшириқни 0,4 процент ошириб бажардилар, ёқилғини пландагига нисбатан 6 процент кам сарф қилдилар ва юк ташиш таннархини 1 процент камайтирдилар.

Темирйўлчилар 1950 йилда транспортнинг иш сифатини яхшилаш учун, юк ташишни янада кўпайтириш учун ва барча темир йўл корхоналарининг рентабельлигини ошириш учун курашни янада кучайтириб юбордилар. Бу кураш яхши натижалар берди: шу йилнинг дастлабки икки кварталида юк ортиш плани 101,2 процент бажарилди.

Темир йўлларни тиклаш ва янада кенгайтириш бешйиллик планини муддатидан илгари бажариш учун кураш жараёнида транспортда ажойиб кишилар—ишлабчиқариш новаторлари етишди. Улар ўзларининг стахановча меҳнатлари блан фойдаланилмаётган жуда катта ички имкониятларни топиб, улардан фойдаланишга ёрдам бердилар.

Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби темир йўл транспортининг ходимлари ҳам ҳозирги вақтда ўз сиёсий фаолиятларини ошириб, зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Темирйўлчилар Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйиб, фидокорона меҳнат қилиш блан севикли Ватанимизнинг кудратини оширишга ва бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлашга қат'ий бел боғладилар.

Қадрдон Иосиф Виссарионович! Темирйўлчилар Сизнинг эришилган муваффақиятлар блан хотиржам бўлиш ярамайди, чунки ўз ишларидаги камчиликларни сезмайдиган киши олга ҳаракат қилиб боролмайди, деб берган кўрсатмаларингизни эсда тутадилар. Биз, темир йўл транспортининг ишларида ҳали катта-катта камчиликлар борлигини, ички имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилмаётганини, хусусан вагонлар қатновини тезлаштириш, поездлар қатнови графигини бажариш ва пассажирларни ташиш ишларини яхши уюштиришда ички имкониятлардан ҳали тўла фойдаланилмаётганини биламиз. Ўртоқ Сталин, биз Сизга ва'да бериб айтамизки, социалистик мусобақани янада кучайтирамиз, ишимиздаги камчиликларни очиб ташлаш учун танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтирамиз ва шу асосда бутун темир йўл транспорти ишларини тобора кучайтириб, сифатини яхшилаймиз.

Биз, Совет Иттифоқининг темирйўлчилари қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

1950 йилда юк ортиш планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 130 минг вагон тошкўмир, 15 минг вагон қора металл, 20 минг вагон руда ва 150 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз;

бешйилликнинг сўнгги йили учун мўлжалланганидан ортиқроқ юк ташиймиз;

вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз;

меҳнат унумини ошириш планини 2 процент ошириб бажарамиз;

ёқилғи харажатини нормадагига нисбатан 3 процент камайтирамиз;

юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент камайтирамиз;

вокзалларда ва поездларда пассажирларга янада яхши хизмат кўрсатамиз;

темир йўл транспортининг ҳарбир корхонасида хўжаликни ва кадрларни қиш фаслига пухта тайёрлаймиз ва қишки иш шароитида халқ хўжалигининг талабларига мувофиқ тобора кўпроқ юк ташилишини та'мин этамиз.

Темир йўл транспорти корхоналарининг коллективи ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада қуйидаги конкрет мажбуриятларни олдилар.

УРОЛ - СИБИРЬ ОКРУГИ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 15 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан икки соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,3 процент камайтирамиз.

Свердловск йўлида. Юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 5 минг вагон кўмир, 3,5 минг вагон ёғоч-тахта ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Перм йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ва ёқилғи сарфлашни 2 процент камайрамиз.

Қарағанда йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 1 процент камайтирамиз.

Омск йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2 процент камайтирамиз.

Жанубий-Урол йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 4 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Томск йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 5 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2 процент камайтирамиз.

ДОНЕЦК ОКРУГИ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 45 минг вагон кўмир, 15 минг вагон қора металл, 20 минг вагон руда, 3 минг вагон дон ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Жанубий-Донецк йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 4 минг вагон кўмир, 15 минг вагон қора металл, 500 минг тонна флюс ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Шимолий-Донецк йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 40 минг вагон кўмир, 10 минг вагон кокс ва 2 минг вагон дон ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 2 процент камайтирамиз.

Шарқи-Жанубий йўлда. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Сталино йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 20 минг вагон руда ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Жанубий йўлда. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини 5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Сталинград йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1 минг вагон кўмир, 1 минг вагон дон, 3 минг вагон флюс ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унумини пландагига нисбатан 2 процент оширамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

МАРКАЗИЙ ОКРУГ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 25 минг вагон кўмир, 3 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,7 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Москва-Донбасс йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 13 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 4,5 процент камайтирамиз.

Москва-Курск йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 12 минг вагон кўмир, 1,5 минг вагон торф ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 соат ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Москва - Рязань йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1.400 цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,8 процент ва ёқилғи сарфлашни 3,7 процент камайтирамиз.

Ярославль йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 3 минг вагон торф, 600 цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 2 процент камайтирамиз.

Москва-Киев йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 5 минг вагон юк ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ортиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Горький йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1,5 минг вагон торф, 1 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 2 процент камайтирамиз.

Москва Округи йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 0,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 6 процент камайтирамиз.

МОСКВА МЕТРОПОЛИТЕНИ

Пассажирларга хизматни янада яхшилаймиз, 1950 йилда пассажирлар ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент камайтирамиз ва 1,8 миллион киловатт соат электр қуввати тежаймиз.

ПРЕВОЛЖЬЕ ОКРУГИ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 112 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Уфа йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 75 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

В. В. Куйбишев номли йўлда. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 19 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Оренбург йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 8 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз. Меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Рязань-Уралск йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 12 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз ва вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 4 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

Қозон йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон ёғоч-тахта ва 500 вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

КАВКАЗ ОКРУГИ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон кўмир, 18 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 1,1 процент камайтирамиз.

Шимолий Кавказ йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 1,3 процент камайтирамиз.

Оржоникидзе йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 3 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 0,5 процент камайтирамиз.

Озарбайжон йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан олдин бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 0,5 процент камайтирамиз.

Закавказье йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 15 минг цистерна нефть маҳсулотлари ортамиз, вагонларнинг қатновини 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 2,5 процент камайтирамиз.

ҒАРБИ - ШИМОЛИЙ ОКРУГ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 10 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан бир соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Совет Иттифоқи темирйўлчиларининг ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Иосиф Виссарионович СТАЛИНГА

М а к т у б и

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Октябрь темир йўлида. Юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 12 минг вагон кўмир, 1 минг вагон бинокорлик материаллари, 1 минг вагон кўмир, 6 минг вагон ёғоч ва шпал ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Калинин темир йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2,5 минг вагон ёғоч ва шпал ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан бир соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Ленинград йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 0,5 соат тезлаштирамиз, ёқилғи сарфлашни нормадагига нисбатан 5 процент камайтирамиз.

Эстония йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Латвия йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Шимолий йўлда. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 0,2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Печора йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 9 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Киров йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Одесса йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 11 минг вагон кўмир, 10 минг цистерна нефть маҳсулоти, 2 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 3,2 процент камайтирамиз.

Кишинев йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 7 минг цистерна нефть маҳсулотлари, 1.500 вагон ёғоч материаллари, 1 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 3 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

ҒАРБИЙ ОКРУГ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 7 минг вагон ёғоч ортамиз, вагонларнинг оборотини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Ғарбий йўлда. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1.500 вагон ёғоч ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Белоруссия йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1.500 вагон ёғоч ортамиз, вагонларнинг оборотини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Брест-литовск йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2.500 вагон ёғоч ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Литва йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1.500 вагон ёғоч ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

ҒАРБИ-ЖАНУБИЙ ОКРУГ

1950 йилда давлат юк ортиш планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 23 минг вагон кўмир, 17 минг цистерна нефть маҳсулоти, 11 минг вагон ёғоч материаллари, 5 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 3,4 процент камайтирамиз.

Ғарби-жанубий йўлда. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 7 минг вагон ёғоч материаллари, 1 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Туркистон-Сибирь йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Винница йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 1 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2,1 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Ковель йўлида. Йиллик юк ортиш планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 3 минг вагон ёғоч материаллари, 2 минг вагон кўмир ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 4,5 процент камайтирамиз.

Львов йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 10 минг вагон кўмир, 3 минг вагон ёғоч материаллари ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 4 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

УРТА ОСИЁ ОКРУГИ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1,5 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Ашхабод йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 0,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Тошкент йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 1,5 процент камайтирамиз.

Туркистон-Сибирь йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Красноярск йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон ёғоч ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Шарқий сибирь йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 6 минг вагон ёғоч, 1 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 3 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 2 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

УЗОҚ ШАРҚ ОКРУГИ

1950 йилда юк ортиш давлат планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 10 минг вагон кўмир, 15 минг вагон ёғоч, 18 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2,5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Забайкалье йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 8 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 6 процент камайтирамиз.

Амур йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 8 минг вагон кўмир, 1,5 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 24 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 3 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 4 процент камайтирамиз.

Узоқ Шарқ йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 7 минг вагон ёғоч, 1 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 4 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 6 процент камайтирамиз.

Приморье йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва пландан ташқари 2 минг вагон кўмир, 5 минг вагон ғалла ортамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 1 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1 процент ва ёқилғи сарфлашни 3 процент камайтирамиз.

Жанубий Сахалин йўлида. Юк ортиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, вагонларнинг қатновини нормадагига нисбатан 2 соат тезлаштирамиз, меҳнат унуми планини 5 процент ошириб бажарамиз, юк ташиш таннархини пландагига нисбатан 1,5 процент ва ёқилғи сарфлашни 5 процент камайтирамиз.

Паровоз-ремонт заводларида. Ички имкониятларни сафарбар қилиш ҳисобига паровозларни, пассажир вагонларни капитал ремонтдан чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва йиллик пландан ташқари 1.800 паровоз ва тендер гилдиракларини ремонт қиламиз ва янги паровоз гилдираклари тайёрлаш йиллик планини 3 процент ошириб бажарамиз.

Вагон-ремонт заводларида. Юк ва пассажир вагонларини ремонт қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз, йилнинг иккинчи ярмида пландан ташқари 2,5 минг юк вагони ва 750 пассажир вагонини ремонтдан чиқарамиз, бундан ташқари, йўллар учун шу йилнинг иккинчи ярмида пландан ташқари 11,5 минг гилдиракни ремонт қиламиз, йилнинг иккинчи ярмида маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 3 процент камайтирамиз, меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз.

Темир йўл машинасозлиги заводларида. Ялпи ва товар маҳсулоти йиллик планини муддатидан илгари 25 декабрьгача бажарамиз, маҳсулот таннархини пландагига нисбатан 2 процент камайтирамиз. Меҳнат унуми планини нормадагига нисбатан 1 процент ошириб бажарамиз.

Бинокорлик материаллари саноати корхоналарида. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини ошириб бажарамиз ва пландан ташқари 35 миллион ғишт, 8 минг тонна ганч, 150 минг кубометр тош, 17 минг кубометр шағал, 5 минг тонна ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқарамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз.

Ёғоч саноати корхоналарида. Фабрика-завод саноатида ялпи маҳсулот ишлабчиқариш йиллик планини 103 процент бажарамиз, пландан ташқари 20 минг кубометр ёғоч-тахта ва 10 минг тонна дон тўсғич ишлаб чиқарайиз, ёғоч тилиш маҳсулоти таннархини пландагига нисбатан 1 процент камайтирамиз ва меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз.

Ғарбий темир йўл қурилиши бош бошқармаси. Қурилиш ишлари йиллик планини муддатидан илгари 21 декабрьгача бажарамиз, шу жумладан 138 вокзал қурилишини тамомлаймиз ва ишга туширамиз; 106,2 минг квадрат метр уй-жой қуриш йиллик планини 5 декабрьгача бажарамиз; қурилиш ишларини машиналаштириш планини ошириб бажарамиз, шу жумладан ер ишларининг 82 процентини ва бетон ишларининг 95 процентини машина билан бажарамиз; меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз ва йилнинг иккинчи ярмида қурилиш-монтаж ишлари таннархини 8 процент камайтирамиз.

Шарқий темир йўл қурилиши бош бошқармаси. Қурилиш ишлари йиллик планини муддатидан илгари 21 декабрьгача бажарамиз, шу жумладан 138 вокзал қурилишини тамомлаймиз ва ишга туширамиз; 106,2 минг квадрат метр уй-жой қуриш йиллик планини 5 декабрьгача бажарамиз; қурилиш ишларини машиналаштириш планини ошириб бажарамиз, шу жумладан ер ишларининг 92,5 процентини ва асосий из ётқизиш ишларининг 58,8 процентини машина билан бажарамиз; меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз; йилнинг иккинчи ярмида қурилиш монтаж ишлари таннархини 8 процент камайтирамиз.

Ҳарбий-тиклаш ишлари бош бошқармаси. Капитал қурилиш ишлари йиллик планини, 74,2 минг квадрат метр уй-жой ва 39 вокзал қуриш йиллик планини муддатидан олдин 21 декабрьгача бажарамиз; меҳнат унумини пландагига нисбатан 1 процент оширамиз, йилнинг иккинчи ярмида қурилиш-монтаж ишлари таннархини 8 процент камайтирамиз.

Саноат қурилиши бош бошқармаси. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини муддатидан илгари 25 декабрьгача бажарамиз, 1950 йилда 67 минг квадрат метр уй-жой қурамиз, меҳнат унуми планини 1 процент ошириб бажарамиз ва йилнинг иккинчи ярмида қурилиш монтаж ишлари таннархини 8 процент камайтирамиз.

Тоннель ва метрополитенлар қурилиши бош бошқармаси. Қурилиш-монтаж ишларини ва саноат корхоналари қуриш ишлари планини муддатидан илгари 15 декабрьгача бажарамиз, меҳнат унуми планини 1,5 процент ошириб бажарамиз.

Темир йўл кўприклари қуриш ва тиклаш бош бошқармаси. Кўприклар қуриш ва тиклаш йиллик планини муддатидан илгари 20 декабрьгача бажарамиз, саноат ишлабчиқариши планини 5 процент ва меҳнат унуми планини 2 процент ошириб бажарамиз.

Қурилиш ишларини машиналаштириш бош бошқармаси. Ер ишларини машиналаштириш йиллик планини муддатидан илгари 21 декабрьгача 500 минг кубометр ошириб бажарамиз, меҳнат унуми планини 5 процент ошириб бажарамиз, машиналаштирилган колонналарда экскаваторлардан ва автотранспортдан фойдаланиш коэфициентини пландагига нисбатан 9 процент оширамиз.

Граждан иншоотлари бошқармаси. Уй-жой, идора-техник, даволаш-санитария, мактаб ва бошқа бинолар ҳамда темир йўл иншоотлари юзасидан ремонт-қурилиш ишлари йиллик планини муддатидан илгари 5 декабрьгача бажарамиз.

Иҳота дарахтзорлари бошқармаси. Йўл бўйларига иҳота қилиб дарахт ўтқазиш ишлари йиллик планини муддатидан илгари бажарамиз ва темир йўллар бўйича ўтқазилган дарахтларни парвариш қилиш йиллик планида белгиланган ишларни 1 сентябрьгача бажарамиз. Йиллик пландан ташқари 500 гектар ерга қўшимча равишда дарахт ўтқазамиз.

Қадрдон Иосиф Виссарионович! Биз совет темирйўлчилари, социалистик транспортнинг, Сиз таълим бериб айтганингиздек, соат механизми каби аниқ, пухта, мукаммал ишловчи конвейер бўлиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилишга Сизга ваъда берамиз. Биз бундан буён ҳам социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаймиз ва темир йўл ишининг техникасини ва хўжалигини сабот билан эгаллаймиз.

Жонажонимиз ўртоқ Сталин, Сизнинг синалган раҳбарлигингиз остида, шонли большевиклар партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг раҳбарлиги остида темирйўлчилар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар. Биз социалистик Ватанимизнинг шон-шарафини янада оширишнинг учун бутун куч-қувватимизни сарфлаймиз. Социалистик Ватанимизга бутун тараққийпарвар инсоният муҳаббат ва умид билан назар солмоқда.

Совет Иттифоқининг барча халқлари ва ер юзидаги барча мамлакатларнинг юз миллионларча оддий кишилари беҳад миннатдорлик ҳисларига тўлган ҳолда қадрдон ўртоқ Сталин Сизга назар соладилар. Ўртоқ Сталин Сизнинг номингиз Совет Иттифоқининг улуғворлигини акс эттиради, ижодий меҳнатда янги зафарларга чақиради, мустаҳкам тинчлик учун, халқ-демократияси учун, барча халқларнинг бахтли, порлоқ истиқболи учун курашга чақиради. Бутун дунёдаги тараққийпарвар инсоният Сизни ўзининг севикли йўлбошчиси деб билади, тараққийпарвар инсоният Ленин—Сталин байроғини меҳнаткашларнинг тинчлиги учун ва инсониятнинг равнақи учун кураш ва ғалаба байроғи деб билади ва ишонади.

Ишасин тинчлик, демократия ва социализм лосбони бўлган улуғ, қудратли совет социалистик Ватанимиз!

Ишасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси улуғ Ленин—Сталин партияси!

Ишасин жонажон Совет Ҳукуматимиз!

Тинчликнинг улуғ байроқдори, бутун тараққийпарвар инсониятнинг йўлбошчиси, жонажонимиз, севикли ўртоқ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!

Бу мактуб округлар, йўллар, бўлимлар, станциялар, локомотив ва вагон деполари, йўл ва алоқа околодкалари, заводлар, қурилишлар ва темир йўл транспортининг бошқа корхоналари ва муассасаларидаги ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

Ўзбек халқи тинчлик учун овоз бермоқда



Фарғона районидаги «Ёш Ленинчи» колхозининг а'золари Стокгольм Мурожаатига якдиллик билан қўл қўйдилар. Суратда: колхозчи **Набижон Мусаев** Мурожаатга қўл қўймоқда.

Р. Шарипов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆

Фидокорона меҳнатимиз билан Ватанимиз қудратини янада оширамиз

Тинчлик тарафдорлари Стокгольм Сессиясининг атом қуролини тақиқлаш, бу қуролни биринчи бўлиб ишлатучи давлатни ҳарбий жиноятчи деб ҳисоблаш тўғрисидаги Мурожаатини ва СССР Олий Совети Сессиясининг бу тўғридаги Баёнотини Қорасув районининг колхозчилари, ишчилари ва хизматчилари ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Корхона ва колхозларда бўлиб ўтган митинг ва йиғилишларда меҳнаткашлар Совет ҳукуматининг ленинча-сталинча тинчлик сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, бутун дунёда тинчликнинг қарор топиши йўлида Ватанимизнинг қудратини янада ошириш учун зўр ғайрат билан ишлаяжакларини изҳор этдилар.

Жданов номли колхоз аъзоларининг йиғилиши зўр уюшқоқлик билан ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Мўминжон Ҳамидов ҳамманинг фикрини ифода қилиб, бундай деди:

— Биз, совет кишилари, тинчликни истаймиз. Социалистик мусобақа асосида ишлаб, меҳнат унумини тобора оширамиз, янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиб, Ватанимизни янада яшнатамиз. Ҳаммамиз Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш билан, уруш оловини ёқучи империалистларга қақшатгич зарба берамиз. Звеномизнинг аъзолари ҳарбир гектар ердан 35 центнердан ерёнғоқ ҳосили етиштириш мажбуриятини олдилар. Биз тинчлик йўлида ишлаб, ўз ватанимизнинг устидан чиқамиз.

Район меҳнаткашлари ўз мажбуриятларини амалда бажармоқдалар. Мотор ремонт заводининг ишчилари яримйиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 129 процент ва МТС коллективи 130 процент адо этдилар. Гуруч заводи, саноат артелларининг аъзолари тинчлик шиори остида зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Битсин уруш, яшасин тинчлик!

Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозида тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатига қўл қўйиш бирдамлик билан ўтди.

Бўлиб ўтган йиғилишда колхоз раиси ўртоқ Эсонбой Усмонов бундай деди:

— Агар биз тинчликни ҳимоя қиламиз десак, пахта далаларида фидокорона меҳнат қилишимиз керак. Биз пахта қатор ораларида ишлашни кучайтириб, ҳосилни қанча кўпайтирсак, уруш оловини ёқучиларга қарши берадиган зарбамиз шунчалик зўр бўлади.

— Англия-америка босқинчиларининг Корея тупроғида олиб бораётган қонли уруши,—деди шу колхозда хизмат қилаётган 1-нчи МТСнинг дондор универсалчиси Маматов, — бутун дунёдаги тараққийпарвар кишиларни бениҳоя ғазаблантирмоқда. Мен Мурожаатга қўл қўйиш билан бирга яна 400 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, тежалган ёнилғи ҳисобига 3 кун ишлайман. Мен колхозда 300 гектар ердаги ғўзанинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб ҳосил олиш учун ўз ҳиссамни қўшаман. Бу — уруш оловини ёқучиларга берган қақшатгич зарбам бўлади. Битсин уруш, яшасин тинчлик!

Р. НОРЖИГИТОВ.

Хоразм хотин-қизларининг овози

УРГАНЧ. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Хоразм областининг Хева, Урганч шаҳарларидаги завод, фабрикаларда, ҳунармандчилик артелларида, областьнинг колхоз ва МТС ларида ишлаётган хотин-қизлар Стокгольм Мурожаатига якдиллик билан қўл қўйдилар. Урганчдаги тикувчилик ва пойафзал фабрикасининг хотин-қизлари Мурожаатни қизғин маъқулладилар. 10 йиллик нормасини бажарган стахановчи тикувчи ўртоқ А. Умарова бундай деди:

—Биз совет давлатимизнинг ленинча-сталинча тинчлик сиёсатини маъқуллаймиз, бизга уруш эмас, тинчлик керак. Биз оналик ва болалик ҳуқуқларини тинчлик йўли билан ҳимоя қиламиз. Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун янада унумли ишлаймиз.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Султонпошша Раҳимова, Ўрозгул Ғойибова, Назира Юсупова, Қўшкўприр районидаги Сталин номли колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дурдипошша Ёқубова, Хева районидаги «Социализм» колхозининг аъзоси қаҳрамон она Жуманиёзова, Свердлов номли қизлар билим юртининг директори Ҳамидуллина, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган агроном Введенская ва Ҳазораспдаги Фрунзе номли колхознинг юзпентнерчиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Шукуржон Раҳмонова каби 75 мингдан ортиқ хотин-қиз Стокгольм Мурожаатига қўл қўйди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Дурдипошша Ёқубова Хоразм хотин-қизларининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Тинчлик урушни енгади. Урушга ва уруш оловини ёқучиларга ўлим. Стокгольм Мурожаати англия ва америкали урушқоқларга жиддий огоҳлантиришдир. Биз давлатимизнинг сталинча доно тинчлик сиёсатини маъқуллаймиз. Америка қўшинларини Корея тупроғидан олиб чиқиб кетилишини талаб қиламиз.

Хевали қаҳрамон она Жуманиёзова Мурожаатга қўл қўятуриб бундай деди:

— Болаларим, уруш очучиларга лаънатлар бўлсин! Менинг 12 та ўғил-қизим бор. Биз совет давлати туфайли тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётирмиз. Тинчлик учун, бахтли ҳаёт учун улуғ Сталиндан миннатдормиз. Яна айтаманки, урушга ва атомчиларга ўлим! Яшасин тинчлик!

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Стахановча вахтада туриб ишламоқдалар

ЗОМИН. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). «Қизил чорвадор» совхозининг ишчилари, трактрчилари ва механиклари Стокгольм Мурожаатига қўл қўйғанларида бирқанча мажбурият олган эдилар. Улар бу мажбуриятларини амалда шараф билан бажармоқдалар.

Илғор комбайнчи ўртоқ Арутюнов ғалла ўриш нормасини ошириб бажариш мажбуриятини олган эди. У, тинчлик вахтасида туриб ишлаб, кунлалик топшириқни оширмоқда. Ўртоқ Арутюнов ҳозиргача 740 гектар ердаги ғаллани ўрди ва режалган ёқилғи ҳисобига 4 кун ишлади.

— Бизга уруш керак эмас, биз тинчлик тарафдоримиз, бизнинг фидокорона меҳнатимиз тинчлик иши учун хизмат қилади, — дейди ўртоқ Арутюнов.

Темирйўлчилар Сталинча Кунининг байрам қилиниши

30 июльда неча ўн минглаб москвалилар Горький номли Марказий маданият ва истироҳат паркида челдилар. Пойтахт меҳнаткашлари бу паркда Темирйўлчилар Сталинча Кунини нишонладилар. Паркнинг одамлар билан лиқ тўлган Зеленый театрида тантанали мажлис бўлди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг ўртоқ И. В. Сталин бошчилигидаги Сиёсий Бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

СССР Йўллар министри ўртоқ Б. П. Бещев Бутун Иттифоқ Темирйўлчилар Куни тўғрисида доклад қилди.

— Бу йил Бутун Иттифоқ Темирйўлчилар Куни байрами, — деди ўртоқ Бещев, — тарихий кун блан, я'ни ўртоқ Сталининг Кремльда темир йўл транспорти ходимларини қабул қилиш маросимида сўзлаган тарихий нутқининг 15 йиллиги билан бир вақтга тўғри келди. Ўртоқ Сталин ана шу нутқида Совет давлатини ривожлантириш учун темир йўл транспортининг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатган эди. Утган 15 йил улуғ йўлбошчимиз ва устозимиз ўртоқ Сталиннинг кўрсатмаларини бажариш учун кураш йиллари бўлди, темирйўлчилар бу давр ичида Совет Ватанининг бахт-саодати учун фидокорона меҳнат қилдилар.

Докладчи дедики, темирйўлчилар ўз ларининг традицион байрамларини сиёсий фаолиятлари ва меҳнат соҳасидаги ғайратлари ўсган бир вазнятда кутиб олдилар. Совет темирйўлчилари Стокгольм Мурожаатига якдиллик билан қўл қўйдилар, улар совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, тинчликка интилаётганликларини амалий иш билан кўрсатишга қат'ий бел боғлаганлар.

Докладчи сўзининг охирида бундай деди:

— Темирйўлчилар ўзларининг байрам кунида ўртоқ Сталинга мактуб ёздилар. Улар юк ташиш юзасидан бешйиллик планда белгиланган даражадан ўзиб кетамиз, пландан ташқари неча юз минглаб вагонга кўмир, руда, қора металл, нефть маҳсулотлари ортамиз ва ташиймиз, меҳнат унумини ошириш ва ёқилғини тежаш юзасидан давлат топшириқларини ошириб бажарамиз, поездларда ва вокзалларда йўловчиларга янада яхшироқ хизмат кўрсатамиз, деб улуғ йўлбошчига ва'да бердилар. Совет темирйўлчилари ўртоқ Сталининг доно кўрсатмаларини амалга ошириб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариш учун бутун куч-қувватларини сафарбар қиладилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан ўртоқ И. В. Сталинга табрикнома қабул қилдилар.

Мажлиснинг охирида пойтахтдаги энг яхши сан'ат усталарининг иштироки билан катта концерт берилди. (ТАСС).

Тинчлик қуйлари

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Тошкент композиторларининг тинчлик учун курашга бағишланган янги асарларини кўп нусхада босиб чиқаради.

Композитор А. Муҳаммедовнинг шоир Мирмуҳсин шеъри асосида ёзган «Тинчлик байроқдори» номли хор учун ёзилган ашуласи, композитор М. Левиевнинг шоир Туроб Тўла шеъри асосида ёзган «Тинчлик қўшиғи», С. Бобоевнинг Мирмуҳсин шеъри асосидаги «Миллионлар шиори», М. Левиевнинг шоир А. Мухтор шеъри асосидаги «Ўзбек қизининг овози» номли асарлари ва бошқалар айрим варақа шаклида нашр этилади.

Ўзбекистон Ҳукумати ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактуби пахтакорлар муҳокамасида

Ҳарбир туп ғўзани яхши парвариш қилиб, ҳамма ерда мўл ҳосил етиштирамиз!

☆

Дала шийпонида

Кенг қулоч ёйган пахтазорга завқ блан боқар экансан, кўкрак баравар ғўзалардаги ғуж-ғуж кўсакларга қараб кўзинг қамашади. Ялангликдан эсган шаббода шона, гул ва кўсакларга, мўлкўл ҳосил шохларига тегиб ўтади ва кўм-кўк денгизнинг майин жилвасини эслатади.

Тушки дам олиш пайти. Ҳовуз бўйидаги шийпонда ҳамжиҳатлик. Тушлик овқатдан кейин бир пиёладан чой ичиш — кундалик одат.

Худди шу онда, ғўза оралаб юрган кимдир бировнинг кўкрагидан юқори қисми ғўза орасидан кўриниб қолди. Дам ўтмай яхлит ердаги ғўза ичидан ҳосилот советининг раиси Абдушаҳид ака чиқиб келди. «Ҳорманг-бор бўлинг»дан кейин колхозчилар унга тўрдан жой беришди.

Гап ғўза парвариши устида кетди.

— Звенонинг ана у қиё бетдаги ғўзаси сувни соғиниб қолипти, культивация ва чопиқдан кейин кўп ўтказмай суғориш керак эди. Бунинг устига, чеканка қилинган ғўза кўп сув ичади. Чим келтириб қўйибсан, жуда яхши, сув қўйиш мўлжалинг қачон? — деди Абдушаҳид ака, рўбарўсида ўтирган звено бошлиғи Тўхтавойга.

— Кейинги сув, Мурожаатга қўл қўйган кунимиз таралган эди, мўлжал ҳам худди шу бугун кечқурун.

— Абдушаҳид тўғри гап қилди, саратон сувини мириқиб ичган ғўза, тез амал олади, кечқурун сув қўйдингми, эрталаб ғўзанг тўрт эллик кўтарилади. Шуниси ҳам борки, ёз чилласининг бир куни ўн кунга татийди. Чопиқда, озиқлантиришда баракали иш қилинаяпти, ғўзани сувдан ҳам толиқтирмасаларинг бўлгани, болаларим, — деди кекса колхозчи Пўлат ота.

Суҳбат шу тарзда бирнеча минут давом этди. Қўлида газета кўтариб бригада табельчиси агитатор Турсунбой келиб, ўтирганлар ўртасидан жой олди. Ҳамманинг диққати унда. Ҳамма кундагидек бугун ҳам газетадан бирор янгилик эшитиш орзусида.

— Болам Турсунбой дун'ёда тинчлик бўлсин деганларнинг гапини ўқи!..

— Ҳар тўғридаги қизиқ хабарлардан ҳам!..

Агитатор Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг мактубини ва тинчлик учун кураш ҳақидаги хабарларни ўқиб эшитдиргач, бригада бошлиғи коммунист Ҳикмат ака ҳамманинг муддаосидаги гапни айтди.

— Тинчлик урушни енгади, деган ҳақ ва доно гапни эшитиб турипмиз. Ҳаддидан ошган босқинчиларнинг нияти барибир чиппакка чиқади. Бунга ишончимиз комил, албатта. Тинчлик учун курашаётган халқларнинг нидоси ва биз етиштираётган ғўзанинг ҳарбир кўсаги тинчлик ишига қўшиладиган катта ҳиссадир.

Ҳозир — ғўзанинг ҳосил тўплаш даври. «Темирни қизиғида бос» деганларидек, чеканкани ўз вақтида ўтказишимиз керак, токи, ернинг кучи бегона эркак шохларга ўтиб кетмасин. Кўсак қурти ва ширанинг тарқалиб кетмаслиги учун чилпиндиларни чет жойларга чиқариб кўмиш керак. Мактубда ҳам шундай дейилган.

Туш оғди. Яна ҳамма ўз жойида...

Шу кунларда Тошкент қишлоқ район, Ленин қишлоқ советидаги Калинин номли колхозда ғўза парвариши авж олди. Колхозчилар барча пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш устида кечаю-кундуз тинмай ишламоқдалар.

А. ШЕРМУҲАММЕДОВ.



Суратда: Тошкент область, Янгийўл районидаги Юсупов номли колхоз а'золаридан **П. Йўлдошева, Ғ. Рихснев, Т. Тўхтабоева** ўртоқлар ғўзаларни чеканка қилмоқдалар. Улар чеканка қилишда ҳар куни икки норма бажараётирлар.

В. Сироткин фотоси.

Ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қиламиз

ФАРҒОНА, («Қизил Ўзбекистон» **мухбиридан**). Олтиариқ районидаги Молотов номли колхознинг а'золари тушки дам олиш вақтида марказий дала шийпонига тўпланиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг барча пахтакорларга ёзган Мактубини муҳокама қилдилар.

Молотов номли колхоз янги очилган қўриқ ерга пахта экиб, ўтган йили ҳар гектаридан атиги 9 центнердан ҳосил олган эди. Колхоз а'золари бу йил ана шу янги ерларнинг ҳар гектаридан 20 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, ғўзани намунали парвариш қилмоқдалар. Ҳозир колхознинг ҳамма ердаги ғўзаси 4 марта чопиқ ва культивациядан чиқарилиб, 5-нчи парвариш давом этдирилмоқда. Колхозда ғўзани суғориш, қўшимча ўғитлаш агротехника қоидаларига мувофиқ олиб борилаётир. Чеканкани 5 августгача тамомлаш учун курашилаётир.

Колхоз а'золари партия ва ҳукуматимизнинг чақириғига жавобан, ғўза парваришини ҳосил етилгунча давом этдириб, ҳар гектар ердаги ғўзага яна 5—6 центнердан ҳосил қўшиш мажбуриятини олдилар.

Колхознинг гектаридан 70 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган звено бошлиғи ўртоқ Раҳимова сўзга чиқиб, Мактубда кўрсатилган тадбирларни тўла амалга ошириш блан, ғўзани яна икки марта парвариш қилиш юзасидан янги мажбурият олди.

Шунингдек, бригада бошлиғи Исроилов, ҳосилот советининг раиси Қорабоев, колхоз партия ташкилотининг секретари Маматқулов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, партия ва ҳукуматнинг Мактубида белгиланган тадбирларни тўла ма'қуллаш блан, ғўза парваришини янада кучайтиришга сўз бердилар. Бунинг учун колхозда 20 га яқин киши дала ишларига сафарбар қилинди.

Молотов номли колхознинг а'золари ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қилиш учун пахта далаларида социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар.

Х. ИКРОМОВ.

Ҳосилга ҳосил қўшиш учун барча тадбирлар амалга оширилади

АНДИЖОН, («Қизил Ўзбекистон» **мухбиридан**). Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг республика пахтакорларига қарата ёзган Мактубини Андижон областининг колхозчилари, тракторчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Хўжаобод район, Кўтарма қишлоқ советидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Мунисхон Ҳайдарова бошлиқ бригадаси шийпонига колхозчилар тўпландилар. Колхоз раиси ўртоқ Абдуллажон Нурматов партия ва ҳукуматимизнинг Мактубини ўқиб берганидан кейин, шундай деди:

— Колхозимиз бу йил 210 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топшириши керак. Биз бу мажбуриятни бажариш учун йил бошидан буён фидокорона меҳнат қилмоқдамиз. Пахта далаларимизда мўл ҳосил етишмоқда. Аммо ғўзага тушган ҳашаротга қарши курашни кўнгилдагидек ўтказмаётганимиз натижасида, ба'зи бригадаларнинг ерида ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиш хавфи туғилмоқда. Биз Мактубга жавобан, ҳосилга ҳосил қўшиш учун, ғўза парваришини кучайтириш блан бирга, ҳашаротга қарши кескин кураш олиб боришимиз керак.

Йиғилишда сўзлаган бригада бошлиқлари Мактубда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан қилинадиган ишлар ҳақида гапирдилар. Колхозчилар август ойида ҳосилга яна ҳосил қўшиш учун курашиб, ҳар гектаридан илгариги 35 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар.

Шунингдек, Булоқбоши қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг а'золари ҳам, Мактубга жавобан, август ойида ғўзани яна икки марта парвариш қилиш мажбуриятини олдилар. 1.000 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириши керак бўлган бу колхозда айрим бригадаларнинг ғўзаси яхши ҳосилга кирмаган. Шунинг учун ҳам сўзга чиққан колхозчилар ана шу ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилишга жиддий э'тибор бериш зарурлигини уқдириб ўтдилар. Колхозчилар йиғилиши ғўза зараркунандаларига қарши курашни яна ҳам кучайтириб, ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва уни барвақт етилтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

А. ҲАМДАМОВ.

☆

Пахта далаларида

Тошкент область, Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз янгидан очилган 180 гектар ердаги ғўзани намунали парвариш қилмоқда. Ҳозир колхозчилар ғўзани беш марта чопиб, олти марта культивация қилдилар ва қондириб суғордилар. Колхозчилар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг республикадаги барча пахтакорларга қарата ёзган Мактубига жавобан, ғўзани август ойида яна икки марта парвариш қилиш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда колхозда ғўзани чеканка қилиш қизғин бормоқда. Бу ишни 5 августгача тамомлаш учун махсус кишилар ажратилди.

Т. Шокиров.

☆

Қашқадар'ё область, Шаҳрисабз районидаги Сталин номли колхознинг а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, 234 гектар ердаги ғўзани намунали парвариш қилиб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдалар. Колхозчилар ҳарбир гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш ҳақидаги мажбуриятни тўла адо этиш учун курашиб, ҳозир ҳамма ердаги ғўзани беш марта чопиқдан чиқардилар. Универсалчилар тракторга тўсиқ ўрнатиб, ғўзани чуқур культивация қилмоқдалар. Колхознинг ўртоқ Маҳмуд Суюнов бригадасидаги ғўзалар чеканка қилиб бўлинди. Колхознинг идора аппаратидаги ходимлар ҳам ғўза парваришига сафарбар қилинди. Колхозчилар ғўзани пахта йиғим-теримигача парвариш қиладилар.

Х. Каримов.

☆

Хоразм область, Шовот районидаги «Большевик» колхозининг ўртоқ Шукуржон Қаландарова бошлиқ звеноси ўтган йили ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил етиштирган эди. Бу илғор звенонинг а'золари 1950 йилда 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Звено а'золари Хоразм области шароитида бундай мўл ҳосил етиштириш учун ғўзани агротехника қоидалари асосида яхши парвариш қилмоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимизнинг Мактубига жавобан, ғўзани пахта ҳосили етилгунча яна икки марта парвариш қилиш мажбуриятини олдилар.

Б. Отажонов.

☆

Самарқанд область, Метон районидаги МТС нинг универсалчилари ҳосилга ҳосил қўшиш ойида ғўза қатор ораларини культивация қилиш юзасидан қўшимча мажбуриятлар олмоқдалар. Файзиобод қишлоқ советидаги Ташев номли колхозда ишлаётган универсалчи коммунист Муҳаммад Бердиев ҳозиргача 900 гектар ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилди. Шунингдек, Калинин номли ва «Большевик» колхозларида хизмат қилаётган универсалчи ўртоқ Шокир Муродов ҳам 910 гектар ердаги ғўзани культивация қилди. Илғор универсалчилар август ойи ичида икки кун тежалган ёнилғи ҳисобига ишлаш мажбуриятини олдилар.

М. Абдураҳимов.

☆

Наманган область, Косонсой районидаги «Ленин йўли» колхозининг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Инобат Йўлдошева бошлиқ бригадасининг а'золари партия ва ҳукуматимизнинг Мактубига жавобан, 48 гектар ердаги ғўзани август ойи ичида яна икки марта парвариш қилиш ва қондириб суғориш мажбуриятини олдилар. Бригададаги 38 та колхозчининг ҳаммаси шу кунларда ғўзани чопиш, культивация қилиш юзасидан берилган кундалик топшириқларни ошириб бажармоқда. Бригада а'золари ғўзани чеканка қилишни тамомладилар.

Б. Каримов.

Бухоро область маҳаллий саноат бошқармасидаги беғамликка барҳам берайлик

Биз Бухорода бир колхозчи блан суҳбатлашиб қолдик. Бу колхозчи ғишт излаб Шофрикон районидан область марказига келган эди.

— Бизнинг районимиздагина эмас. Бухоронинг ўзида ҳам ғишт топилмас экан,— деди колхозчи.

Аҳоли ўртасида ғишт, оҳак ва бошқа бинокорлик материалларига талаб катта, лекин бу материаллар Бухорода топилмайди. Областьда бу материалларни кўплаб ишлаб чиқариш учун катта имкониятлар: оҳак тоши, мармар, қамиш ва ҳоказолар бор. Аммо область маҳаллий саноат бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Карасик) етарли даражада э'тибор бермаганидан, бу табиий бойликлар ҳаракатсиз қолиб келмоқда. Область партия комитети ва область ижроия комитети ҳам маҳаллий хомаш'ёдан бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш масаласи блан шуғулланмаётирлар.

Область маҳаллий саноат бошқармаси шаҳар ва район саноат комбинатларига суст раҳбарлик қилаётганидан, ишлабчиқариш планлари бажарилмай келмоқда. Бухоро, Когон, Қоракўл ва бошқа саноат комбинатларининг раҳбарлари давлат фондидан хомаш'ё берилишини кутиб, ўз корхоналарининг ишини яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмаётирлар.

Маҳаллий саноат корхоналарида кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштиришга етарли э'тибор берилмаётир.

Масалан, Бухоро саноат комбинатида ёғоч кесиш ишлари қўл блан бажарилиб, кўп меҳнат, вақт, маблағ сарф этилишига қарамай, ишлабчиқариш планлари бажарилмай келади. Ҳолбуки, комбинат ҳовлисида ётган фрезер станоклари ва циркульли арралар икки йилдан буён ишга солинмаётир. Шунингдек, металл ишлайдиган 12 та станок ҳам ҳаракатсиз ётмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу нарса область маҳаллий саноат бошқармаси ва жойлардаги корхоналарнинг раҳбарлари ишлабчиқариш маданиятини ва меҳнат унумини ошириш масалалари блан мутлақо шуғулланмаётганликларини кўрсатади.

Корхонага механизмлар ўрнатиш блангина ҳам кифояланиб бўлмайди. Бу механизмларнинг пухта ишлашини та'минлаш зарур. Лекин Бухоро областида ачинарли аҳволни кўрамиз. Ба'зи корхоналарга техник ускуналар ўрнатилсада, уларнинг қандай ишлаётгани блан қизиқмайдилар, бу ускуналар кўп вақтларда бекор туради.

Масалан, чўян қуйиш заводида ўрнатилган вагранканинг қувватидан фақат 20 процент фойдаланилаётир. Бу вагранкани тўла қувват блан ишга солинса, ҳозирда неча юз ва минг километрдаги узоқ жойлардан олиб келинаётган ҳархил идишларни областьнинг ўзида кўплаб ишлаб чиқариш мумкин бўлар эди.

Маҳаллий саноат корхоналарида оммавий-сиёсий ишлар яхши ташкил қилинмаган. Москвали новаторлар—Лидия Корабельникова ва Фёдор Кузнецовларнинг хомаш'ё ва материалларни комплекс асосда тежаш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббуси маҳаллий саноат корхоналарида оммалаштирилмаган. Бу эса маҳсулот сифатининг пасайишига, молларнинг кўп миқдорда тўпланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Фақат Бухоро шаҳар промкомбинатининг омборидагина ярим миллион сўмлик мол тўпланиб қолган, бундан қарийб 50 процентини тайёр кийим-кечаклар ташкил этади.

Корхоналарда техника контроли бўлимлари ташкил қилиниб, улар маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш масалалари блан шуғуллансалар, маҳаллий саноат корхоналарининг ишини анча тузатиш мумкин бўлар эди. Афсуски, область маҳаллий саноат бошқармаси техника контролига етарли баҳо бермасдан, корхоналарда брак маҳсулот чиқарилишига йўл қўйиб келмоқда.

Корхоналарнинг рентабель ишламаслигига, маҳсулот сифатининг пастлигига ҳархил қийинчиликни баҳона қилиб кўрсатиш одат бўлиб қолган. Ҳолбуки, область маҳаллий саноат бошқармаси оборот маблағларини комбинатлар ўртасида тақсимлаш масаласи блан етарли шуғулланмайди. Ба'зи корхоналар оборот маблағлари етишмаганидан, ба'зилари эса оборот маблағлари ошикча бўлганидан рентабель ишлай олмайди. 1950 йил 1 январьда область маҳаллий саноати системаси бўйича 660 минг сўм миқдорида оборот маблағлари етишмади. Когон, Ғиждувон комбинатларида оборот маблағларининг кўп миқдорда етишмаганлиги, Бухоро, Свердлов ва Конимех комбинатларида ошиқча оборот маблағлари борлиги аниқланди.

Бунга сабаб—маҳаллий саноат бошқармасида ва жойларда ҳисоб-китоб ишларининг яхши йўлга қўйилмаганидир. Жойлардан ҳисоботлар 5 ой кечикиб топширилади. Бу эса молия интизомининг бузилишига, оборот маблағларининг айланишини чигаллаштиришга олиб келади.

Маҳаллий саноат корхоналарида кадрларнинг техник билим савияси паст бўлиши ҳам жиддий камчиликлардан биридир. Ҳатто инженер-техник ходимлар ҳам етарли ма'лумотга эга эмаслар. Ишчилар учун техминимум тўгараклари ташкил этилмаган.

Ишчиларнинг иш ва маиший шароитларида ҳам катта камчиликлар бор. Корхоналарда техника хавфсизлиги қоидаларига етарли риоя қилинмайди. Коллективларда оммавий ишлар олиб борилмайди.

Бухоро область маҳаллий саноатида содир бўлган қолоқлик Маҳаллий саноат министрлигини ҳам ташвишга солмоқда. Министрлик область маҳаллий саноатига турли йўллар блан ёрдам беришга уринса ҳам, бу уринишлар натижасиз қолмоқда. Бухорога юборилаётган даста-даста қоғозлар амалий ёрдам блан мустаҳкамланмайди. Ба'зан областьга министрликдан вакиллар келади, лекин улар областьдаги аҳволни ўзгартадиган бирон иш қилишдан ожиз. Яқинда министрликдан инженер Цебаренко Бухорога келди. Аммо у, механизмлардан фойдаланишни яхшилашда бирон амалий ёрдам бермади.

Бухоро область маҳаллий саноат бошқармасида юз берган бу беғамликка тезда барҳам бериб, механизмлар ва хомаш'ё бойликларидан тўла фойдаланиш, кадрларнинг билим савиясини ошириш масалалари блан жиддий шуғулланиш зарур.

В. ВЕРТЯНКИН.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Қулф бузучилар, акт тузучилар"

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 11 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида фельетон босилиб, унда Тошкент шаҳар, Марказий район ижроия комитетининг айрим ходимлари меҳнаткашларнинг шахсий мулкларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларга риоя қилмай, шу районнинг «Правда Востока» кўчасидаги 27-нчи уйда туручи Крутикова деган аёлни зўрлик блан уйидан чиқариб юбориб, унинг ўрнига бошқа кишиларни жойлаштириб қўйганликлари ва уй эгаси Крутикованинг ариза, шикоятларига қулоқ солмай, уни сарсон қилиб қўйганликлари кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети бу фельетонни муҳокама қилиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Марказий район уй-жой бошқармасининг инспектори Рукасуев Крутиковани қонунга хилоф равишда, зўрлик блан уйидан чиқариб, ўрнига бошқа кишиларни жойлаштирганлиги учун вазифасидан бўшатилди ва Крутиковага ўз уйи қайтариб берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг бюро мажлиси, Марказий район ижроия комитетининг раиси Петросян ва унинг ўринбосари Немудров ўртоқлар юқорида кўрсатилган хатоларга йўл қўйганликлари учун, уларни қаттиқ огоҳлантирди.

Пахта ҳосилини зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилайлик

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети республиканинг пахтакорларига ёзган Мактубида агрономларни ўз ишларида ҳосилни ғўза зараркунандалари ва касалликларидан ҳимоя қилиш масалаларига кўпроқ э'тибор беришга, кенг колхозчилар оммасини, қишлоқ жамоатчилигини, ўқучилар ва пионерларни бу муҳим ишга актив қатнашишга чақирдилар. Бу тадбирлар тезда тўла равишда амалга оширилиши керак.

Бу йил республиканинг бир қисм пахта далаларида кўсак қурти, ўргимчаккана ва ғўза бити (шира) анча тарқалди. Қишлоқ хўжалигининг бу хавфли зараркунандалари пахта ҳосилига кўп зиён етказишлари мумкин.

Илғор колхоз ва совхозлар пахта ҳосилини зараркунандалардан ҳимоя қилишни яхши уюштирдилар. Пахтаобод районидаги Жданов номли ва Наримонов номли колхозларда кўсак қурти тушган пахта майдонлари ўз вақтида аниқланиб кўсак қуртини қириб ташлаш ишлари тўғри уюштирилди.

Ўртачирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида (раиси ўртоқ Ким Пен-хва) кўсак қурти, ўргимчаккана ва ғўза бити (шира)га қарши кураш бу ҳашаротлар пайдо бўлган дастлабки кунларданоқ кучайтириб юборилди. Шунинг учун бу зарарли ҳашаротлар биринчи пайдо бўлган жойларида қириб ташланди. Колхозда ғўзалар доим текшириб турилади ва зарарланган ҳарбир туп ғўза дарҳол дориланади. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда колхоз аэропланлардан яхши фойдаланди, шу блан бирга, ердан туриб дорилашни ҳам муваффақиятли уюштирди. Шундай қилиб, ҳосил зараркунандалардан ҳимоя қилинди. Ҳозир ғўзалар яхши ўсиб, мўл ҳосил тугмоқда.

Илғор колхозларнинг тажрибаси ихтиёримиздаги моддий-техника воситалари қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни муваффақиятли уюштириб, ҳосилни нобудгарчиликдан сақлаб қолиш бемалол мумкин эканлигини яққол кўрсатади. Бунинг учун зарарланган пахта майдонларини ўз вақтида аниқлаб, химия усули блан тўғри дорилаш керак, холос.

Лекин кўпгина колхоз ва совхозда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш яхши уюштирилмаган. Зарарланган пахта майдонлари ўз вақтида аниқланмайди, дорилаш жуда сеқин боради, ҳашарот тушган ерлар сифатсиз дориланади ва ҳоказо.

Балиқчи районидаги «Байналмилал» колхозида участка агрономи ўртоқ Раҳмоновнинг маслаҳати блан кўсак қуртига қарши тайёрланган заҳарли емлар ерга сепилган. Шу сабабли ғўзалардаги кўсак қурти ғўзани еяберган.

Пахтаобод районидаги «Большевик» колхозида (раиси ўртоқ Йўлдошев, химизатор ўртоқ Абизов) кўсак қурти тушган пахта майдонлари аниқланмаган, заҳарли материаллар тахт қилиб қўйилмаган, асбоблар бекор турипти. Хўжаобод районидаги Ворошилов номли колхозда (раиси ўртоқ Ортиқов, химизатор ўртоқ Мадумаров) ишга яроқли ҳамма киши кўсак қуртини қўл блан теришга чиқарилган. Аммо қўл блан теришга қараганда кўп натижа берадиган химия усули мутлақо қўлланилмаётир.

Ленин районидаги Каганович номли колхозда олтин гугурт уни қўл блан сепилган, орқалаб юрадиган мавжуд 40 та пуркагичдан фойдаланилмаган. Пахтаобод районидаги Молотов номли колхозда (раиси ўртоқ Худойбердиев, химизатор ўртоқ Қурбонов) ғўза баргларининг устига олтингугурт сепилган, ҳолбуки ўргимчаккана барг орқасида уя ясаб, баргнинг тагидан зарар етказади. Бундай дорилаш натижа бермайди, албатта.

Пахта зараркунандаларига қарши кураш ишига бепарво қараш ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Ўртачирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда ўргимчакканага қарши кураш яхши уюштирилмаганлиги сабабли, талай ердаги ғўзаларнинг барги ва мевалари тўкилган. Шу райондаги Маленков номли ва Сирдар'ё районининг «XVIII Партс'езд» колхозларида ҳам шундай аҳвол юз берган.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни кучайтириш юзасидан дарҳол қат'ий чоралар кўриш керак. Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги, унинг маҳаллий органлари, маҳаллий совет, партия ва комсомол ташкилотлари, агрономия ходимлари ва колхоз правлениеларининг умумий кучи блан бу ишни ҳамма жойда дарҳол қизитиб юбориш мумкин.

Кўсак қурти йилнинг об-ҳаво шароитига қараб 3—4 марта насл тарқатади. Ерда қишлаган ғумбаклардан апрель ойининг ўрталарида капалаклар чиқади. Бу капалаклар дастлаб ёввойи ўтларга тухум қўяди.

Май ойининг иккинчи ярмида кечқурун ва кечалари биринчи насл капалаклари учабошлайди. Бу даврда қотиб қолган ёввойи ўтлар уларни қаноатлантирмайди, шу сабабли улар ғўза, помидор, жўхори ва дуккакли экинларнинг баргларига тухум қўядилар. Тухумлардан чиққан қуртлар шона, гул ва туганакларни еб, уларнинг тўкилишига сабаб бўладилар. Кейинчалик қуртлар кўсакларни тешиб кирадилар, шу сабабли бу кўсаклар тўкиладилар ва чириб қоладилар.

Ҳозир иккинчи насл қуртлари ривожланиб бўлди. Улар 5 — 10 сантиметр чуқурликда ерга кириб, ғумбакка айландилар. Ғумбак даври 10 — 12 кун давом этади. Шундан кейин капалак чиқиб, тухум қўябошлайди. Бир капалак 3.000 га яқин тухум қўйиши мумкин.

Шу кунларда учинчи наслнинг қуртлари чиқиши кутилади. Бу қуртларнинг ривожланиши август ойининг охирларигача давом этади. Ҳарбир қурт 5 тадан 18 тагача кўсакни нобуд қилади. Пахта ҳосилини кўсак қуртидан сақлаб қолиш ва келгуси йилда бу қуртнинг урчишига йўл қўймаслик учун бирқанча тадбирни амалга ошириш керак. Даставвал, кўсак қуртидан зарарланган участкаларни сифатли культивация қилиш ва кетман блан чопиш зарур. Шундай қилганда, ердаги ғумбакларнинг талай қисми нобуд бўлади. Чопиқдан кейин ғўзаларни суғориш лозим.

Капалакларни йўқотиш учун кўсак қуртидан зарарланган пахта далаларида кечалари гулхан қилиш ва кундузи капалакларни ушлаш керак. Бу ишда пионерлар ва мактаб болалари катта ёрдам бераолади.

Ғўзани чеканка қилган вақтда чилпиндиларни йиғиб, дала четига чиқариб кўмиш керак, чунки ғўза учларида кўсак қурти тухумлари бўлади.

Ғўзаларнинг шох ва шона тагларини диққат блан текшириб, тухумлардан чиқаётган қуртларни доим текшириб туриш, бундай ғўзаларни арсенат кальций ёки ДДТ дориси ва гексахлоран блан яхши дорилаш зарур. Қуртлар шона, туганак ва кўсак устида яшаган вақтдагина дорини чанглаш ва пуркаш фойда беради. Орқалаб юрадиган машинадан фойдаланганда арсенат кальцийга майда ўтин кули (гектарига 10—12 килограмм арсенат кальций ва 5—6 килограмм кул) аралаштирилади. Аэропландан ва тракторга қўшиладиган асбоб блан чангланганда кул аралаштирилмайди. Пуркаган вақтда бир литр сувга 3 грамм арсенат кальций аралаштирилади.

Чанглаган ва пуркаган вақтда дори шона, туганак ва кўсакларнинг устига тушиши учун юқоридан сепилади. Дорилаш шамолсиз кунда эрталаб ва кечқурун ўтказилади. Дориланган ерларда яна қуртлар пайдо бўлса, 4 — 5 кундан кейин яна дори сепилади. Такрорий дорилаш учун заҳарли ем ишлатиш мумкин: эланган 10 килограмм майда кунжара унига 600 грамм арсенат кальций ёки 600 грамм Дуст ДДТ дориси қўшилади.

Кўсак қурти ғўза мевалари ичига тешиб кириб, кўпинча яшириниб яшайди. Шу сабабли кўсак қуртига қарши кураш анча мураккаб ишдир. Кўсак қуртини йўқотиш учун далаларни, атрофдаги экинларни бирнеча марта сифатли дорилаш, шунингдек бошқа усуллардан ҳам тўла фойдаланиш керак. Чумчуқ, чуғурчуқ қуртларга ўч бўлади. Шунинг учун Андижон областининг Ленин районидаги колхозлар кўсак қурти тушган пахта майдонларига қўндоқлар қилиб қўйганлар. Бу, э'тиборга лойиқ тажрибадир.

Ҳозирги вақтда ўргимчаккана ғўзалар учун айниқса хавфлидир. Ўргимчаккана баргларнинг ширасини сўриб, уларнинг озиқланиш йўлини бузади, ғўзаларни заифлатади, озиқсиз қолдиради, бу эса барг ва меваларнинг тўкилишига олиб келади. Ўргимчаккана ўз вақтида йўқотилмаса, ҳосилнинг 70—80 проценти нобуд бўлиши мумкин.

Шу кунларда ўргимчаккана урчиётир. У пахта далаларига тарқалмоқда. Ўргимчакканани йўқотиш учун зарарланган ерларга оҳак ёки ўтин кули аралаштириб майда олтингугурт сепилади (гектарига 20 — 30 килограмм олтингугурт ва шу миқдорда кул ёки оҳак аралаштирилади). Ўргимчаккана тушган ғўзаларга 0,5 процент оҳак-олтингугурт эритмаси (ИСО) ёки 1 —2 процент коллоид олтингугурт суспензияси пуркаш мумкин. Бир гектар ерга 1500 — 2500 литр дори сарфланади.

Ўргимчаккана тушган ғўзаларни яқин фурсатда дорилаб, бу ҳашаротларни қириб ташлаш, бунинг учун аэропланлардан, тракторга қўшиб ишлатиладиган чанглагич ва пуркагичлардан, отга қўшиб ишлатиладиган ва орқалаб юритиладиган асбоблардан тўла фойдаланиш керак.

Ғўза бити (шира) ҳам ғўза учун хавфлидир. Ҳозирги вақтда ғўза ва полиз битлари анча кўп учрайди. Бу ҳашарот ўсимликнинг ширасини сўриб, уни заифлатади, меваларнинг тўкилишига сабаб бўлади, демак, ҳосилни камайтиради. Куз фаслида, пахта очилгандан кейин, ғўза бити пахтани ифлослайди, унинг сифатини пасайтиради. Ғўза бити тушиб, ёпишиб қолган пахтани териш ҳам анча қийин бўлади.

Ғўза бити тушган участкалардаги ғўзалар кўсак очилгунча анабазин-совун ёки никотин-совун эритмаси блан дориланади. Бу дорилар етишмаганда, тамаки эритмаси блан дорилаш мумкин. Пуркаш ўрнига 4 процент анабадус ёки 3 процент никодус чанглаш ҳам мувофиқдир. Бу дорилар колхозларда тайёрланади. 96 қисм майда оҳак унига 3 қисм анабазин-сульфат ёки 97 қисм оҳакка 3 қисм никотин-сульфат қўшилади. Очилган кўсакларга дори пуркаш ярамайди.

Ғўзага ўргимчаккана блан айни бир вақтда ғўза бити ҳам тушса, мураккаб олтингугурт-анабазин дорисини ишлатиш керак (1 — 2 процент коллоид олтингугурт суспензияси ёки 0,5 процент ИСО олиниб, ҳар литрга 0,5 грамм анабазин ёки 4 процент олтингугурт-оҳак анабадусти қўшилади). Ғўза кўсак қурти ва пахта бити блан зарарланса, дорига ДДТ ёки гексахлоран қўшиш мумкин.

Ҳашарот тушган ҳамма участкаларни дарҳол аниқлаб, ҳашаротларни қириб ташлаш шу кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Шу блан бирга, ҳарбир колхоз ва совхознинг заҳарли моддалар ва зарур асбоблар блан та'минланганлиги тезда текшириб чиқилиши керак.

Зараркунандаларга қарши курашучи химизаторлар, далачилар, колхоз раислари ва участка агрономларининг бир кунлик семинарлари ўтказилиб, заҳарли моддаларни тайёрлаш, машина ва асбоблардан фойдаланиш усули уларга амалда кўрсатиб берилиши керак.

Республикамизнинг пахтакорлари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун йил бўйи кўп меҳнат қилдилар. Ана шу мўл ҳосилни колхозчилар, совхоз ишчилари, агрономлар, химизаторлар, механизаторлар ва ҳамма қишлоқ хўжалик мутахассисларининг умумий кучи блан зараркунандалардан албатта сақлаб қолинади, тўла-тўкис териб олиниб, давлатга топширилади. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

А. КОЛДАЕВ.

Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Ю. СПИРИДОНОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном.

ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 29 июль. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 29 июль эрталаб қуйидагиларни билдирди:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларининг қисмларига қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Суньчхонь (Дзюнтен) ва Иосу (Рейсуй) районида ҳужум қилаётган қисмлари америка қўшинларининг қаттиқ қаршилигини енгиб, 28 июльда Хвангимни (Койо) шаҳрини озод қилдилар.

Америка аэропланлари 27 ва 28 июльда Пхеньян шаҳрига ҳужум қилдилар ва шаҳарни ваҳшийларча бомбардимон қилдилар. Кўп уйлар вайрон бўлди. Аҳоли ўртасида қурбонлар бор.

27 июльда Халқ армиясининг қуруқликдаги қисмлари томонидан ўққа тутилган америка аэропланн Тэжжон (Тайден) аэродромига қўнди. Учувчи ва экипажнинг бошқа а'золари асир олинди.

ПХЕНЬЯН, 29 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси билдиради: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун ахборот э'лон қилди. Ахборотда бундай дейилади:

Халқ армиясининг қисмлари барча фронтларда америка қўшинларининг қисмларига қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Халқ армиясининг Жанубий Кенсан вилоятидаги Аний (Анги) шаҳри районида ҳужум қилаётган қисмлари америка қўшинларининг қаршилигини енгиб, 28 июльда Аний шаҳрини озод қилдилар. Халқ армияси қисмлари Анийни озод қилиш учун олиб борилган жангларда асирлар олдилар ва кўп ўлжа қўлга туширдилар. Душман катта талафот кўрди.

29 июльда 7 та америка бомбардимончи аэропланн Пхеньян районига ҳужум қилмоқчи бўлган эди. Халқ армияси авиациясининг муваффақиятли ҳаракатлари натижасида душманнинг бомбардимончи аэропланлари мўлжалга етаолмадилар, улар тарқатиб юборилдилар.

Бошқа фронтларда айтарлик ўзгаришлар бўлмади.

ПХЕНЬЯН, 30 июль. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун ахборот э'лон қилди. Ахборотда бундай дейилади:

Халқ Армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига қарши қаттиқ жангларни давом этдирдилар.

29 июльда Халқ армияси қисмлари қаттиқ жанглар натижасида душманнинг қаттиқ қаршилигини енгиб, Кочхан (Киосио) шаҳрини тамомила озод қилдилар. Кочхан (Киосио) шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жангларда Халқ армияси қисмлари 100 дан ортиқ асир олдилар. Кўп ўлжа, шу жумладан 45 та автомашина, 8 пулемёт, кўп милтиқ, карабин ва бошқа қурол-яроғлар қўлга туширилди.

Бошқа фронтларда айтарлик ўзгаришлар бўлмади.

ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токио мухбири бугун Окинава оролидан Қурияга Америка қўшинларига янги мадад кучлар яширинча келтирилганлигини билдирди.

НЬЮ-ЙОРК, 30 июль. (ТАСС). Токио ва Қуриядан олиб матбуотда босилган хабарларга қараганда, Шимолий Қурия қўшинларининг жанубий секторидаги янги ҳаракатлари Қуриядаги америка позицияларининг марказини хавф остида қолдирмоқда.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Қурияда 8-чи армия штаби ҳузуридаги мухбири берган хабарга кўра, Шимолий Қурия қўшинлари америкалиларнинг муҳим коммуникация ва та'минот маркази бўлган Кимчхонь (Кимсенда)дан фақат 16 километр жанубдаги қишлоқни ишғол қилганлар. Бундан илгари Макартур штаби ахборот э'лон қилди. Ахборотда айтилишича, Шимолий Қурия қўшинлари ҳамма секторларда атакаларини давом этдирмоқдалар ёки атака бошлашга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Юнайтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири хабар беради: Қуриядаги 8-чи америка армиясининг қўмондони генерал-лейтенант Уокер қуйидагиларни айтди: фронтдан олинган хабарларга қараганда, Шимолий Қурия қўшинлари Тэгу (Тайкю) дан 56 километр масофадаги пунктга келганлар.

Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг хабарларида айтилишича, Кимчхонь томонида ҳужум қилаётган Шимолий Қурия қўшинлари 1-чи америка отлиқ дивизияси (мотомеханикалаштирилган дивизия)нинг разведка отрядини ўраб олганлар, ўраб олинган америкаликларни қутқазиш йўлидаги уринишлар натижа бермаган.

ЛОНДОН, 30 июль. (ТАСС). Англия радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: Макартур штаби бир хабар э'лон қилди. Хабарда айтилишича, Шимолий Қурия қўшинлари марказий секторида муҳим темир йўл ва тош йўллар узели бўлган Кочханни ишғол қилганлар. Шимолий Қурия қўшинлари бу шаҳарни ишғол қилгандан кейин Пусан томонига 16 километр силжиганлар.

1-чи америка отлиқ дивизияси ва 25-чи дивизиянинг қисмлари Шимолий Қурия қўшинлари томонларидан рўпарадан ва ён томонлардан қилинган атакалар натижасида чекинганлар.

Фронтнинг шимолий участкасида Шимолий Қурия қўшинлари ўз позицияларини кучайтирмоқдалар. Жанубий Қурия қўшинлари чекинмоқдалар.

ҚУРИЯ ХАЛҚИ ФРОНТГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

ПХЕНЬЯН, 29 июль. (ТАСС). Жанубий Қуриядаги озод қилинган районларнинг аҳолиси ўзларини озод қилган Халқ армиясидан миннатдор бўлиб, жангчилар ва офицерларга жуда кўп совғалар юбормоқда. Ишчилар ва деҳқонлар, хотин-қизлар ва болалар, олимлар ва студентлар: «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Халқ армияси учун!» деган шиор остида фронтга ватанпарварларча катта ёрдам бермоқдалар. Сеулдаги 30 корхонанинг коллективи бир кун ичидагина фронтга 2 минг совға юборди.

Деҳқонлар қаҳрамон Халқ армияси туфайли озод бўлдилар ва ернинг эгаси бўлиш тўғрисида асрлар бўйи орзу қилиб келган тилакларини амалга оширдилар. Улар Халқ армиясига тўшук, сабзавот ва бошқа озиқ-овқатлар бериб ёрдам қилмоқдалар. Сеулдаги демократик хотин-қизлар союзининг а'золари Халқ армияси жангчиларига 2 мингдан ортиқ дастрўмол, 5.800 та атир совун ва кўп миқдорда асал юбордилар.

Сеулдаги ёшлар ташкилотлари 8 мингта ҳар хил совға блан бирга жангчиларга юзларча хат ёздилар. Сеул мактабларининг ўқувчилари Халқ армияси учун жуда кўп совға тўпладилар. Улар жангчиларга 3 мингга яқин хат ёздилар.

Жанубий Қуриядаги озод қилинган бошқа шаҳарларнинг аҳолиси ҳам Халқ армияси жангчиларига кўп совға юборди.

АМЕРИКА ҚЎШИНЛАРИНИНГ ҚУРИЯДАГИ ВАҲШИЙЛИГИ

ПХЕНЬЯН, 29 июль. (ТАСС). Америка қўшинлари Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг ҳужумидан чекиниб, Қурия қишлоқларига ўт қўймоқдалар ва тинч одамларни ўлдирмоқдалар.

Америкаликлар Жанубий Чунчан вилоятида Чхоньан (Тен'ан) ва Чочхиюон (Цюцини) ўртасидаги Содженг қишлоғидан чекинган вақтларида бу қишлоқни тамомила ёндириб юбордилар. Шу вилоятдаги Нэкван қишлоғида 100 дан ортиқ уйга ўт қўйилди.

Чекинаётган америка аскарлари Пхентэк (Хэйтаку)да 600 кишини, Тэжжон (Тайден) да 1000 га яқин кишини ўлдирдилар.





30 июльда Тошкент шаҳрида уч процентли давлат ички заёмининг 16-чи ютуқ тиражи бўлди. Суратда: чапда — тираж қутиси ёнида. Ўнгда — шаҳар меҳнаткашлари ютуқларининг ўйналишини кузатмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

СОВЕТ КИНО САН'АТИНИНГ ҒОЯТ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Карлови Варидаги Халқаро кинофестиваль тамом бўлди

ПРАГА, 30 июль. (ТАСС). 30 июльда Карлови Варида тантанали равишда Халқаро кинофестиваль ёпилди.

Бугун жюрининг фестивальда кўрсатилган кино сан'ати асарларига мукофотлар бериш тўғрисидаги қарори ўқиб эшитдирилди. Жюри фестивальнинг биринчи мукофотини—беллур глобусни совет кино сан'атининг машҳур асари «Берлиннинг таслим бўлиши» фильмига берди. «Тинчлик мукофоти», «Маҳкум этилганлар фитнаси» деган рангли совет фильмига берилди. «Меҳнат мукофоти»ни жюри «Кубань казаклари» деган рангли совет фильмига беришга қарор қилди.

«Озодлик учун кураш мукофоти» халқ Хитойининг ёш кино сан'ати асари «Хитой қизлари» фильмига берилди. «Чиниққанлар» деган чехословак фильми «Ижтимоий тараққиёт учун кураш мукофоти»ни олишга сазовор бўлди.

Жюри режиссёрлик соҳасидаги энг яхши ишлар учун бериладиган мукофотни «Жуковский» деган совет фильмининг постановкачиси В. Пудовкинга берди. «Мард кишилар» деган рангли совет фильми бўёқлари яхши берилганлиги учун фестиваль мукофотини олишга сазовор бўлди. Энг яхши музика учун белгиланган мукофот «Кубань казаклари» фильмининг музикаси автори композитор И. Дунаевскийга берилди. Энг яхши тўла метражли ҳужжатли фильм учун белгиланган мукофотни совет ва венгер кинематография ходимлари биргалашиб яратган «Ҳаҳон ёшлари» кинокартинаси олди.

Энг яхши илмий-оммабоп фильм учун белгиланган мукофот «Ўрмон қиссаси» номли рангли совет фильмига берилди.

Жюри раиси профессор Броусил энг яхши кинорепортаж мукофотини Қурия халқ-демократик республикасининг «Дўстлик қўшиғи» деган ҳужжатли тўла метражли фильмига беришга қарор қилганлигини гулдурос қарсаклар остида э'лон қилди.

Энг яхши қисқа метражли фильм учун бериладиган мукофот «Энг севикли кишимиз» номли ҳужжатли француз фильмига берилди. Бу фильм Франция меҳнаткашларининг бутун дун'ё халқлари йўлбошчиси ва устози Иосиф Виссарионович Сталинга бўлган бехад муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

Фестиваль жюриси бирқанча кинокартиналарга ва кино сан'ати ходимларига фахрий дипломлар ҳам берди.

«Кавку ва чуғурчуқ» деган совет мультипликацион фильми фахрий диплом олишга сазовор бўлди.

Жюри қарорлари ўқиб эшитдирилгандан кейин Чехословакия бош министри А. Запотоцкий нутқ сўзлади. У, Карлови Варида эндигина тамом бўлган Халқаро фестиваль халқларнинг тинчлик ва демократия йўлидаги курашида олдинда бораётган Совет Иттифоқининг кинематографияси яна ғоят катта муваффақиятларга эришганлигини, шунингдек Хитой халқ республикаси, халқ демократияси мамлакатлари ва Германия демократик республикасининг кино сан'ати эришган муваффақиятларни намойиш қилди деб уқдириб ўтди.

А. Запотоцкий, халқ демократияси мамлакатлари ўзларининг озодликлари ва мустақилликлари учун улуғ Совет Иттифоқидан ва бутун дун'ё меҳнаткашларининг йўлбошчиси ҳамда дўсти И. В. Сталиндан миннатдордирлар, деди. Ҳозир бўлганлар бу сўзларни гулдурос қарсак чалиб ма'қулладилар.

Собиқ гитлерчилар Афғонистон ҳукумати хизматида

ПРАГА, 30 июль. (ТАСС). Телепресс агентлигининг Бағдоддаги мухбири хабар беради: Кобилдан олинган хабарларга кўра, Афғонистон ҳукумати Мисрдаги собиқ гитлерчи офицерлар группаси ва Ғарбий Германиядаги гитлерчи «мутахассислар» блан алоқа боғлаган. Афғонистон ҳукумати бу кишиларга Афғонистонда «узоқ вақт ишлаш ва кўп ҳақ тўлашни» ва'да қилади.

Афғонистон армиясида хизмат қилиш учун собиқ гитлерчи учучилардан 30 киши танлаб олинган. Афғонистон ҳукумат вакиллари бу кишиларга кўп ҳақ тўлашга ва'да берганлар.

Афғонистон ҳукумати Германиянинг америка окупация доирасига ўз вакилларини юборган. Бу вакиллар америка окупация доирасида илгари Ўрта Шарқ масалалари блан шуғулланган собиқ бир гуруҳ гитлерчи «экспертлар» блан алоқа боғлаганлар.

Кобилда олинган ма'лумотларга кўра, урушдан илгари Афғонистонда гитлерчилар ташкилотининг бошлиғи бўлган «профессор» Фишнер, шунингдек «Симанс» фирмасининг Кобилдаги собиқ вакили, ашаддий иқсус Томас ва бошқа 25 та гитлерчи Афғонистон ма'мурларининг таклифини қабул қилганлар. Собиқ гитлерчилар «мутахассис» ва «маслаҳатчи» ниқоби остида яшириниб, ҳақиқатда Афғонистон армияси ва полициясида инструктор бўлиб ишлаяжаклар.

Мас'ул муҳаррир Ҳ. ҒУЛОМОВ.

Америка офицерининг э'тирофи

ЛОНДОН, 29 июль. (ТАСС). Черчилль умум палатасида гапириб, Англия ҳозир атом уруши бошлаш учун тегишли базаларга эгадир, деган экан. «Дейли уоркер» газетасининг хабарига кўра, Англиядаги америка ҳарбий-ҳаво кучларининг махсус вакили Корриган 28 июльдаги баёнотида Черчилльнинг бу гапини рад этмаган.

Газетанинг ёзишича, Корриган бундай деган: «Икки йилдан буён Англияда турган «В — 29» деган бомбардимончи аэропланлар Японияга биринчи ва иккинчи атом бомбаларини ташлаш учун фойдаланилган аэропланлар типига киради. «В—50» деган бомбардимончи аэропланлар эса мазкур аэропланларнинг янада мукаммаллаштирилган вариантидир. Сиз ана шундан хулоса чиқаришингиз мумкин».

Газетанинг ёзишича, ҳукумат умум палатасида мудофаа масалалари юзасидан бўлган музокаралар вақтида Черчилль баёноти ҳақида индамай ўтган. Бу эса ҳукуматнинг инглиз халқини алдаганлигини кўрсатади, чунки ҳукумат 1948 йил июль ойида баёнот чиқариб, америка бомбардимончи аэропланларидан иборат икки полк «муваққат топшириқлари бажариш учун қисқа вақтга» Англияга келди, деб билдирган эди.

«Дейли уоркер» газетаси америка куролли кучларини ва атом бомбардимончи аэропланларини дарҳол Англиядан олиб кетишни талаб қилади.

Қурия масаласини тинч йўл блан ҳал қилиш у[illegible]

СТОКГОЛЬМ, 29 июль. (ТАСС). Стокгольмда тинчликни ҳимоя қилувчи пойтахт комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда комитет томонидан қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади:

«Осиёдаги воқиалар ҳозирги вақтда янги жаҳон уруши чиқиш хавфи борлигини бутун дун'ёга яққол кўрсатди.

Шу сабабдан биз тинчлик ўрнатиш ҳақида Ҳиндистон бош министри Нерунинг ташаббусини ва Совет Иттифоқи бош министри Сталининг жавобини зўр мамнуният блан табриклаймиз.

Бу ташаббус сиёсий низо'нинг кучайиб кетишига йўл қўймасликни, тажовузкорнинг қонуний вакилига Хавфсизлик Советида жой бериш йўли блан Хавфсизлик Советининг ишини тиклашга мақсад қилиб қўяди. Совет Иттифоқининг жавобида Хавфсизлик Совети Қурия халқи вакилларининг фикрини эшитиши мувофиқ деб кўрсатилади.

Бизнинг фикримизча, — дейилади резолюциянинг охирида, — Швеция ҳукумати тинчлик манфаатларини кўзда тутиб бу ташаббусни қувватласа керак».

Тинчликни ҳимоя қилиш Стокгольм комитетининг резолюцияси Швеция ҳукуматига юборилди.

ТУРКИЯДАГИ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ТУРКИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ҚУРИЯГА АСКАР ЮБОРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДАЛАР

АНҚАРА, 29 июль. (ТАСС). Анатоли агентлигининг хабаридан ма'лум бўлишича, Туркияда яқинда тузилган тинчлик тарафдорлари жамияти мажлиса мактуб юборган, мактубда бундай дейилади: «Туркия министрлар совети америка сенатори Кейн блан суҳбат қилгандан кейин, Қурияга ҳарбий қисм юборишга тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор Туркия афкор оммасини ҳаяжонга келтирди ва ташвишга солди... Бундай қарорнинг қабул қилиниши Туркия конституциясига ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига ҳам хилофдир...

Туркия тинчлик тарафдорлари жамияти ўзини турк халқининг самимий истакларини ифода қилувчи жамият деб ишониб, Туркия Қуриядаги қўролли жанжалда бу хилда иштирок қилиш ўринга, бу урушни тугатиш ва тинчликни унга таҳдид қилаётган хавфдан қутқазиб қолиш учун бор кучини сарфлаши керак деб ҳисоблайди».

Мактубнинг охирида «Туркия жамоатчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига хилоф бўлган бу қарорни бекор қилиш мақсадида мажлисимиз фавқулодда йиғилиши чақирилади деб ишонади» дейилади.

Мактубга жамият раиси Беҳич Боран ва бош секретарь Аднан Жемгиль қўл қўйганлар.

БЕЛЬГИЯДА АҲВОЛ

ПАРИЖ, 29 июль. (ТАСС). Бугун Бельгия меҳнаткашларининг иш ташлаш ҳаракати жуда кенгайиб кетди: кундуз соат 12 гача 600 мингдан ортиқ киши ишташлади. Брюссель, Льеж ва Гентдаги ҳаёт изидан чиқиб кетди. Йирик порт ҳисобланган Антверпен портида ишлар деярлик тўхтаб қолди. Кемасозлик корхоналарининг кеча иш ташлаган ишчиларига бугун докерлар ҳам қўшилди.

Металлурглар касаба союзларидан бирининг секретари Робер Ломбионнинг айтишича, Бельгия меҳнаткашларининг ишташлаш ҳаракати ҳеҷқачон бундай кенг тус олмаган эди.

Бельгия полицияси кеча мамлакатнинг бирқанча шаҳарларида меҳнаткашлардан ўч олди. Брюссельда полиция жуда шафқатсиз ҳаракат қилди. Брюссельда ўтказилган намойиш вақтида Бельгия коммунистлар партиясининг меҳнаткашлар колонналари олдида борган секретари Лальман ваҳшийларча калтакланди.

Кеча эрта блан Брюссельда барча трамвай ходимлари ишларини тўхтатдилар. Тушдан кейин полиция штрейкбрехерлар ёрдами блан, бирнеча трамвайни қатнатишга уриниб кўрди. Аммо иш ташлаган ишчилар бунга йўл қўймадилар. Полиция блан катта тўқнашув бўлди.

Льежда ҳам полиция блан намойишчилар ўртасида катта тўқнашув бўлди.

Газеталарнинг билдиришига қараганда бугун эрта блан Льеж губернатори исте'фо берган, шундан бироз вақт ўтгандан кейин шаҳарда ва унинг атрофидаги жойларда қамол ҳолати э'лон қилинган ва аскарлар келтирилган. Брюссельнинг атрофидаги жойларга ҳам аскарлар келтирилган.

«Монд» газетасининг билдиришига қараганда, Бельгия ҳукуматининг вакиллари ҳусусий суҳбатларда мамлакатдаги аҳволни «жуда ҳам хавфли» деб ҳисоблайдилар.

«Се суар» газетаси бугунги сонида Бельгия ҳукуматининг «корольнинг ғайри коммунист душманлари блан» муросага келиш тўғрисида (бунда гап социалистлар ва либераллар тўғрисида боради) қуйидагиларни ёзади:

«Бу қарорни Бельгия бош министрининг кечаги нутқи блан солиштириб кўрганда (Бельгия бош министри бу нутқида яқин орада ўнг социалистларнинг раҳбарлари блан келишишга ҳаракат қилиб кўражагини айтган эди). Бельгия социал-демократиясининг раҳбарлари ана шу ажойиб халқ ҳаракатига ҳиёнат қилиш арафасида турганлигини кўрамиз. Ана шу раҳбарлар орасида коммунистларга ашаддий душман бўлган Спаак биринчи ўринни олади».

ПАРИЖ, 29 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Брюссельдан билдиради: Брабант вилоятининг губернатори (Брюссель бу вилоятнинг асосий шаҳри) ўз қарорини э'лон қилди. Бу қарорга мувофиқ, бутун вилоятда бешдан ортиқ кишининг тўда-тўда бўлиб тўпланиши тақиқланади.

ЛОНДОН, 29 июль. (ТАСС). Лондон радиоси билдиради: Бельгия ҳукумати фавқулодда чоралар кўрди. Льежга аскарлар юборилди. Булар орасида Ғарбий Германиядан юборилган бельгия қисмлари бор.

ЛОНДОН, 30 июль. (ТАСС). Рейтер агентлиги Брюссельдан олиб билдиради: ишончли манба'лардан олинган хабарларга кўра, Бельгия ҳукумати Бельгиянинг турли районларида иш ташлаган ишчилар томонидан ташкил қилинадиган «Брюссельга юриш»дан шаҳарни муҳофаза қилиш ва бу юришга тўсқинлик қилиш мақсадида 1 августда Брюссельни жандармерия, полиция ва аскарлар блан ўраб қўйиш лойиҳасини тайёрламоқда.

ПАРИЖ, 30 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Брюссельдан олиб хабар беради: Бельгия ҳукумати Брюссель, Льеж ва Вервьда ҳарқандай йиғилишлар ўтказишни ман этишга, «тартиб сақлаш учун махсус чоралар кўриш» талаб қилинадиган жойларга аскар юборишга, ба'зи ҳарбий қисмларни мукаммал суратда тўлдиришга қарор қилган.

ПАРИЖ, 30 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги Брюссельдан олиб хабар беради: Бельгия ички ишлар министрлиги Льеж яқинида жандармерия блан бўлган тўқнашув вақтида иш ташлаган ишчилардан икки киши ўлдирилганлигини та'кидлади.

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИ

16-ЧИ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу заёмнинг 16-чи ютуқлар тиражи 1950 йил 30 июльда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Тиражда заёмнинг бир миллиард сўмдан иборат бир разрядига 4.650.200 сўмлик 8500 ютуқ, шу жумладан: 50.000 сўмдан 2 ютуқ, 25.000 сўмдан 5 ютуқ, 10.000 сўмдан 25 ютуқ, 5.000 сўмдан 80 ютуқ, 1.000 сўмдан 700 ютуқ, 400 сўмдан 7688 ютуқ ўйналди.

Заёмнинг уч разрядига жам'и 13.950.600 сўмлик 25500 ютуқ, шу жумладан: 50.000 сўмдан 6 ютуқ, 25.000 сўмдан 15 ютуқ, 10.000 сўмдан 75 ютуқ, 5.000 сўмдан 240 ютуқ, 1.000 сўмдан 2100 ютуқ, 400 сўмдан 23064 ютуқ ўйналди.

Заёмнинг ҳамма уч разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)
000037	31*)	10 000	031744	27*)	5 000	060234	03*)	5 000	080171	1—50	400
002082	1—50	1 000	033371	1—50	400	060478	1—50	1 000	080488	39*)	25 000
002149	1—50	1 000	033626	22*)	10 000	060512	40*)	5 000	080533	1—50	400
003792	22*)	5 000	034685	1—50	400	060645	1—50	1 000	081015	09*)	10 000
003869	50*)	5 000	034919	20*)	5 000	060679	35*)	5 000	081708	02*)	5 000
004075	43*)	10 000	035476	41*)	10 000	061236	1—50	400	081729	1—50	400
004333	04*)	25 000	035611	1—50	400	061369	1—50	400	084029	24*)	5 000
004878	43*)	5 000	035994	16*)	5 000	061401	18*)	10 000	084762	1—50	400
005396	15*)	5 000	036223	40*)	5 000	061727	27*)	5 000	084965	09*)	10 000
005656	1—50	1 000	037733	40*)	10 000	061777	01*)	5 000	085211	38*)	5 000
005841	19*)	5 000	038110	1—50	400	062108	48*)	10 000	085556	15*)	5 000
006310	1—50	1 000	038216	1—50	400	062278	05*)	5 000	087154	34*)	5 000
006347	30*)	5 000	038819	19*)	5 000	062478	03*)	25 000	087317	27*)	5 000
009099	27*)	5 000	038898	22*)	10 000	062916	1—50	400	087451	18*)	5 000
009206	36*)	5 000	039612	1—50	400	063310	03*)	5 000	087488	48*)	5 000
009316	44*)	5 000	039031	1—50	1 000	065357	1—50	400	087755	29*)	5 000
009489	38*)	10 000	039281	1—50	400	065641	1—50	400	087827	35*)	5 000
011426	34*)	5 000	040773	23*)	50 000	065874	21*)	5 000	087884	48*)	5 000
014149	1—50	400	043286	1—50	400	066508	15*)	5 000	088317	37*)	5 000
015793	1—50	1 000	043608	19*)	5 000	067103	1—50	400	088351	22*)	50 000
016026	21*)	25 000	043992	06*)	5 000	067203	26*)	25 000	088777	1—50	1 000
016673	50*)	5 000	044380	02*)	5 000	067409	36*)	10 000	089004	19*)	5 000
016684	21*)	5 000	048463	42*)	5 000	067937	11*)	5 000	090599	10*)	5 000
017010	23*)	5 000	048941	39*)	5 000	068494	31*)	10 000	091056	1—50	1 000
017528	41*)	5 000	050085	07*)	5 000	068666	22*)	5 000	092248	08*)	5 000
020149	1—50	400	050298	1—50	400	069097	16*)	5 000	092319	1—50	400
021188	1—50	400	050519	1—50	400	069173	19*)	5 000	092612	12*)	5 000
021530	02*)	5 000	051076	04*)	10 000	069808	44*)	5 000	092885	1—50	400
022085	20*)	5 000	051208	1—50	400	070964	1—50	400	093922	24*)	5 000
022354	1—50	400	051731	1—50	400	070970	30*)	10 000	093966	44*)	5 000
022928	34*)	10 000	051746	27*)	5 000	071096	14*)	5 000	094544	1—50	400
024327	41*)	5 000	051894	06*)	5 000	071405	1—50	1 000	094763	50*)	10 000
024859	1—50	400	052181	14*)	5 000	072633	1—50	400	095093	1—50	400
027226	18*)	10 000	053021	36*)	10 000	072746	09*)	5 000	095306	1—50	400
027924	42*)	5 000	053241	45*)	5 000	072909	26*)	5 000	095878	49*)	5 000
028488	1—50	400	053843	44*)	5 000	073886	1—50	400	095958	16*)	5 000
029126	1—50	1 000	054401	29*)	10 000	074259	42*)	5 000	096455	09*)	5 000
029362	1—50	400	054737	1—50	400	075412	45*)	5 000	096583	1—50	1 000
029468	46*)	10 000	057626	21*)	5 000	076023	15*)	5 000	097113	24*)	10 000
029889	1—50	400	058206	1—50	400	078883	04*)	5 000	097964	13*)	10 000
030486	1—50	1 000	058290	05*)	5 000	078932	45*)	5 000	098045	1—50	400
030797	12*)	10 000	058885	1—50	400	079596	25*)	5 000	098678	50*)	10 000
030894	1—50	400	059035	1—50	400						

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 400 сўмдан ютуқ чиқди.

РАСМИЙ ЖАДВАЛГА ИЗОҲ:

3%ли Давлат ички ютуқ заёми айрим разрядларга бўлиб чиқарилади. Ҳар разряд бир миллиард сўмдан иборатдир.

Ҳар разряд 100000 сериядан (№ 000001 дан 100000 гача) бўлинади, ҳар сериядаги эса икки юз сўмликдан 50 облигация (№ 01 дан 50 гача) бўлади.

Ютуқлар тиражи бир разрядга мўлжаллаб ўтказилган бўлиб, жадвалда кўрсатилган ютуқлар заёмнинг ҳамма разрядларида бўлган тегишли серия ва номерли облигацияларга тўланади.

Жадвалда, ютган 170 сериянинг номерлари кўрсатилган. Шу блан бирга, ҳарбир сериядаги облигацияларнинг ҳамма 50 номерига ютуқ чиққандир. Шундай қилиб, заёмнинг бир разрядига 8500 (170х50) ютуқ ўйналган.

Агар жадвалнинг «Облигация номерлари» деган хонасида облигациянинг бир номери юлдузча (*) блан кўрсатилган бўлса, бу — «Ютуқ миқдори» деган хонадаги ютуқ облигациянинг бир номерига чиққанлигини ва шу сериядаги облигациянинг қолган 49 номерлари 400 сўмдан ютганини билдиради.

«Облигация номерлари» деган хонада «1—50» номерлари кўрсатилган бўлса — шу сериядаги облигациянинг ҳамма (№ 01 дан 50 гача) номерларига «Ютуқ миқдори» деган хонада кўрсатилган бирхил ютуқлар чиққанини билдиради.

Жадвалда икки юз сўмлик облигацияга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ютган облигациялар бўйича қуйидаги суммалар тўланади:

Икки юз сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг миқдори	Тўланади 200 сўмлик облигацияга	100 сўмлик облигацияга
50.000 сўм	50.000 сўм	25.000 сўм
25.000 сўм	25.000 сўм	12.500 сўм
10.000 сўм	10.000 сўм	5.000 сўм
5.000 сўм	5.000 сўм	2.500 сўм
1.000 сўм	1.000 сўм	500 сўм
400 сўм	400 сўм	200 сўм

Ютуқ суммасига ютган облигациянинг ўз қиммати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, омонат кассалари ютуқларни шу жадвал юзасидан белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказучи Комиссиянинг раиси — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари
Р. Ғ. ҒУЛОМОВ.

Раис ўринбосарлари:
Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити Бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи Н. П. ШВЕДОВ.
Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. КОМИЛОВ.
Ўзбекистон ССР Молия министрининг ўринбосари П. Я. РЕШЕТНИКОВА.
Комиссиянинг мас'ул секретари С. Д. ВОРОНКОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 1 августда **Нурхон.**

«РОДИНА» — **Баҳор.**

«ВАТАН» — **Мени кутгил.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Кулар ва тунлар.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Ўт.**

«9-ЧИ МАЙ» — **Анна Сабо.**

«ИСКРА» (қишки) — 3-чи залда рангдор фильм **Биринчи май,** бошқа залларда **Ажойиб табиатли қиз.**

«ИСКРА» (ёзги) — рангдор фильм **қадимги ваделиль.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Оқ тиш,** кечқурун **Сахродаги кўзголон.**

«ХЕВА» — **Бизнинг юрагимиз.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — **Райком секретари.**

«УДАРНИК» — 1) **Айиқ,** 2) **Ниқоб.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси № 8 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226.